



ПАХТАЧИЛИК ВА ТЎҚИМАЧИЛИК РИВОЖИ УЧУН ЯНГИ ИМКОНиятлар БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 28 июнь куни пахта ҳосилдорлигини ошириш ва тўқимачилик маҳсулотлари экспортини кўпайтириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Тўқимачилик тармоғи ҳам хомашё, ҳам экспорт, ҳам аҳоли бандлигида улкан салоҳиятга эга. Фақат илмга асосланиб самарадорликни ошириш, жайдари айтганда, “ишнинг кўзини билиш” керак.

Шунинг учун Президентимиз ташаббуси билан бу соҳада тўлиқ кластер тизими жорий этилди. Сўнгги уч йилда пахта-тўқимачилик кластерларига 23 триллион сўмдан зиёд имтиёзли маблағлар ажратилди. Бундан ташқари, уларнинг ўзлари ҳам қарийб 7 триллион сўм хусусий инвестициялар сарфлаган.

Ушбу тизим натижасида 350 га яқин йирик фабрикалар ишга туширилди. Ишлаб чиқариш ҳажми 2016 йилга нисбатан 5 баробарга ошди, экспорт эса 4 баробарга ўсиб, қарийб 3 миллиард долларга етди.

Беш йил аввал юртимизда етиштирилган пахта толасининг атиги 40 фоизи қайта ишланган бўлса, бугунги кунда 100 фоиз ўзимизда қайта ишланмоқда.

Ҳажм бўйича айтганда, жами қувватлар 1 миллион 300 минг тоннага етди. Лекин 1 миллион тонна тола ишлаб чиқарилмоқда. Яъни, ҳозирнинг ўзида 300 минг тонна тола етмаяпти. Келгуси беш йилда бу эҳтиёж яна 600 минг тоннага ошиши кутилмоқда.

Ип-калавани тайёр маҳсулотгача қайта ишлаш даражаси ҳам паст — 23 фоиз. Бу йилга 9 миллиард доллар даромад бой берилмоқда, дегани.

Шунингдек, бугунги кунда тўқимачилик тармоғида 400 минг киши меҳнат қилмоқда. Агар бутун тизим илм ва замонавий технологиялар асосида тўғри ташкил қилинса, иш ўринларини 1 миллионга етказиш мумкин.

Шу боис, йиғилишда илмга асосланган уруччилик ва агротехнологиялар ҳисобига пахта ҳосилдорлигини

ошириш, толани чуқур қайта ишлаб, соҳанинг экспортини 2 бараварга кўпайтириш имкониятлари муҳокама қилинди.

Маълумки, бунинг учун, аввало, барқарор ва сифатли хомашё керак. Лекин уни етиштиришнинг ўзи бўлмаяпти. Олимларимиз яратган 100 центнергача ҳосил берадиган пахта навлари жойларга етказилмаяпти.

Сўнгги йилларда кундузги ва тунги ҳарорат бир хил бўлиб қолаётгани, янги турдаги ҳашаротларнинг кўпайиб бораётгани ушбу шароитга чидамли навларни кўпайтиришни тақозо қилмоқда. Ҳўзани ўғитлашни ўзгартириш, гербицид ва пестицидларни ҳам тартибга солиш зарур.

Шунинг учун давлатимиз раҳбари Президент ҳузурида инновацион ривожланиш вазири бошчилигида Пахтачилик кенгаши ташкил этиш тақлифини билдирди.

Бу кенгаш ҳар йили ҳосилдор ва эртапишар навларни ҳудудлар кесимида кўпайтириш ва экишни ҳар бир кластер бўйича белгилаб беради, иқлим ва ҳарорат ўзгаришларига мос бўлган ўғитлаш схемасини ишлаб чиқади, гербицид ва пестицидлар қўллашни тартибга олади. Шунингдек, ҳашаротларга қарши курашиш бўйича ҳар бир ҳудудга мос агротехнологияларни ишлаб чиқади. Бунинг учун мазкур кенгаш ҳузурида илмий марказ ҳам ташкил қилинади.

Президент ҳар бир кластерда уруғчилик, тупроқ таҳлили ва биолоблаториялар ҳамда уруғ тайёрлаш цехлари бўлиши зарурлигини таъкидлади.

Сувни тежаш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди. Сўнгги икки йилда юртимизда 169 минг гектар пахта майдонларида томчилатиб сугориш жорий қилинган. Лекин кўп кластерлар, айниқса, фермерлар бунни йўлга қўйишга қийналмоқда. Чунки харажати қиммат.

Агар соҳада эркин рақобат бўлса, илм билан ёндашилса, томчилатиб сугоришни жорий этиш харажатини гектарига 15-20 миллион сўмга тушириш мумкинлиги айтилди. Шунинг учун электрон порталга ҳамма таъминотчиларни киритиб, сув тежовчи технологиялар нархи ва хизматлар сифатини баҳолаб борадиган шаффоф тизим яратиш вазифаси қўйилди.

Кластерлар фаолиятининг ҳуқуқий кафолатлари кучайтирилиши, битта туманда кўпи билан 2 та кластер ташкил этилиши белгиланди.

Йиғилишда тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада тадбиркорларга кенг шароит яратиб бериш учун алоҳида индустриал зоналар ташкил қилиниши белгиланди. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига ушбу мажмуаларни бошқаришга чет эл компанияларини ва ишлаб чиқаришга нуфузли брендларни жалб қилиш вазифаси қўйилди.

— Пахтамизга бойкот бекор қилинганidan сўнг, хорижий компаниялар маҳаллий корхоналар билан ҳамкорлик қилишга, миллий маҳсулотларимизга катта қизиқиш билдирмоқда. Агар, ҳудудларимизга брендлар олиб кирилмаса, маҳаллий маҳсулотларимиз жаҳон бозорига рақобатбардош бўлиши қийин, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бўялган трикотаж мато ва газлама экспорт қилувчиларга 10 фоизгача миқдорда субсидия берилиши, чет элга тайёр маҳсулот етказиб бериш учун, бюротномага асосан, алоҳида авиарейслар йўлга қўйилиши қайд этилди. Брендлар учун зарур бўлган фурнитура ва аксессуарлар ишлаб чиқариш бўйича топшириқлар берилди.

Тўқимачилик корхоналарини қўлаб-қувватлаш механизмлари янада кенгайтирилиши белгиланди.

Жумладан, Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан экспортчи корхоналарга айланма маблағ учун 5 миллион долларгача ресурслар табақалаштирилган тартибда ажратилади. Хорижда омборхоналарни ижарага олиш харажатларини қоплаб бериш учун чекланган майдон 100 квадрат метрдан 500 квадрат метрга оширилади. Бу мақсадлар учун Экспортни рағбатлантириш агентлигига 100 миллион доллар ажратилади.

Давлатимиз раҳбари тўқимачилик корхоналари молиявий ҳисобот бўйича халқаро стандартларга ўтиши зарурлигини таъкидлади.

— Бу дунё бозорига қиқш, хорижий брендлар билан ишлаш ва тўғридан-тўғри кредитлар жалб қилишга замин яратади, — деди Президент.

Тўқимачилик корхоналарини хомашё билан узлуксиз таъминлаш чоралари ҳам кўрсатиб ўтилди. Пахта толаси ва ип-калавани биржага мунтазам чиқариш, улар учун тўлов тизимини такомиллаштириш бўйича тасвиялар берилди.

Соҳа учун солиқ ва божхона маъмуричилиги ҳам энгиллаштирилиши, хусусан, хомашёни божхона ҳудудига қайта ишлаш тартиби соддалаштирилиши қайд этилди.

Кадрлар тайёрлаш масаласига ҳам эътибор қаратилди. Тўқимачилик ва энгил саноат институти ҳамда Ўзбекистон — Корея тўқимачилик технопарки яхлит тизим асосида ишлаб, янги ўқув йилидан “дуал” таълим тизими жорий қилиниши айтилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан Бош вазир ўринбосарлари, тармоқ мутасаддилари, ҳокимлар ва тадбиркорларнинг фикрлари эшитилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ДАВРИДА БИЗНЕС УЧУН ҚУЛАЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Солиқ қонунчилиги талабларини энгиллаштириш ҳамда солиқ маъмуриятчилигининг янги воситаларини самарали жорий этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш орқали тадбиркорлик субъектларининг солиқ юкини камайтириш ва бизнес юритишни соддалаштириш мақсадида:

1. 2022 йил 1 июлдан бўш турган бинолар, фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари, яшаш учун мўлжалланмаган иншоотлар, шунингдек, тугалланмаган қурилиш объектларига (фойдаланилмаётган объектлар) ҳамда ушбу объектлар билан банд бўлган ер участкаларига нисбатан мол-мулк ва ер солиқларининг оширилган ставкаларини қўллаш, солиқ имтиёзлари ва преференцияларнинг амал қилишини тўхтатиш тартиби (таъсирчан солиқ механизми) бекор қилинсин.

2. Белгилансинки, 2023 йил 1 мартга қадар:

хисобварақ-фактураларда ёки назорат-касса техникаси чекларидеда олинган товарлар (хизматлар) номенклатурасига ёхуд фаолиятнинг ўзига хос хусусиятларига ва амалга ошириладиган турларига мувофиқ бўлмаган идентификация кодларини акс эттирганлик учун молиявий жарима солинмайди;

хўжалик юритувчи субъектлар томонидан асосий воситалар, номоддий активлар ва товар-моддий ресурсларни хисобга олиш (сотиб олиш (қуриш), ишга тушириш, қайта баҳолаш, тасарруф этиш) ҳамда ўз устав фондини (устав капиталини) шакллантириш ва камайтириш билан боғлиқ барча операцияларни солиқ органларининг “Е-актив” ахборот тизимида акс эттириш ихтиёрий ҳисобланади.

3. 2022 йил 1 июлдан шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

мажбурий равишда қўшилган қиймат солиғи тўловчиси сифатида эътироф этиладиган тадбиркорлик субъектларига қўшилган қиймат солиғи бўйича маҳсул рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома солиқ хавфи даражасига аниқлик киритилмасдан туриб автоматик равишда берилмади. Бунда тадбиркорлик субъектларининг фаолияти солиқ органлари томонидан мониторинг қилиб борилади ва мониторинг давомида солиқ хавфи ҳолатларининг аниқлаиши қўшилган қиймат солиғи бўйича

маҳсул рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб қўйишга асос бўлади;

солиқ хавфининг юқори даражасига эга солиқ тўловчиларининг қўшилган қиймат солиғи бўйича маҳсул рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳноманинг амал қилиши бу ҳақида солиқ органлари томонидан беш иш куни олдин хабарнома юборилгандан сўнг ҳамда мазкур муддатда камчиликлар бартараф этилмаган тақдирда тўхтатиб турилади (бундан амалга оширилаётган битимлар (операциялар) харид қилинаётган ва реализация қилинаётган товарлар (хизматлар) номенклатурасига мувофиқ келмаслиги ёки солиқ тўловчи давлат рўйхатидан ўтказилган манзилда мавжуд бўлмаганлиги ҳолатлари мустасно).

4. Давлат солиқ қўмитаси Молия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги тадбиркорлик субъектлари, илмий доиралар ва фуқаролик жамияти институтлари вакилларидан иборат Жамоатчилик кенгаши муҳокама-ларида кўтарилган масалалар асосида солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш бўйича ҳар чорақда Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин ҳамда солиқ органларининг ахборот тизимларини такомиллаштириб босин;

мазкур фармоннинг мазмун-моҳияти, шунингдек, солиқ маъмуриятчилигида жорий этилган сўнгги ўзгаришлар тўғрисида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига кенг тушунтриш ишларини, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғи орқали тизимли равишда ташкил этсин;

икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу фармондан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

5. Мазкур фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Давлат солиқ қўмитаси раиси Ш.Д.Кудбиев белгилансин.

Фармон ижросини ҳар чорақда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,
2022 йил 28 июнь

Ш. МИРЗИЁЕВ

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР



Ҳоким йўлдошев олган сурат.

ҚУРИЛИШ КЛАСТЕРЛАРИ

арзон ва сифатли уй-жойлар барпо этишнинг муҳим таянчи

Халқимиз ҳар бир оиланинг эзгу мақсадлари, орзу-хаваслари — фарзандлар қўриб, тўйлар қилиш, уларни қиммат инсонлар этиб вояга етказишнинг муҳим бир шарти ўларок, уй-жойни Ватан ичра қиммат қилиш, дейди.

Шунинг учун ҳам оиласида чақалоқ туғилса, яхши ниятлар билан ҳовлисига қўчатлар экади, шу дарахтлар фарзандимнинг оиласи, уй-жойи учун хизмат қилсин, деб ният қилади.

Дарҳақиқат, юртдошларимиз тафаккурда уйли, бошланали бўлиш муҳим урин эгаллайди. Халқимизнинг қадрият даражасига кўтарилган кичик ватанли бўлиш орзусини рўёбга чиқариш йўлида мамлакатимизда сўнгги йилларда амалга оширилган мисли қўрилмаган бунёдкорлик ишларини алоҳида қайд этиш лозим. Сўз исботи билан деганларидек, келинг, шу ўринда айрим рақамларга эътибор қаратамиз: ушбу йўналишда тўб

бўрилиш қузутила бошланган йиллар — биргина 2017 йилда жами 3,5 миллион квадрат метрдан зиёд намунавий уйлар ва кўп қаватли уй-жойлар барпо этилиб, минглаб одамлар бошпанали бўлди. Бу 2007 йилга нисбатан 20 баробар, намунавий уй-жойлар қуриш дастури бошланган 2010 йилга нисбатан 3,5 баробар кўп демакдир.

ТАЪЛИМ ТАРАҚҚИЁТИ

УЙҒОҚ ФИКР ТАРБИЯСИ

ёхуд янги Ренессансни бунёд этиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар

Маънавий янгилашни йўлидан борапмиз. Юртимизда халқ орзусини рўёбга чиқариш, Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш учун салмоқли ишлар бошланган. Бунинг учун уйғоқ фикр тарбияси жуда муҳим.

Гап шу ҳақда бораганда, Президентимиз шарқдонимандлари фикрига асосланиб, “Энг катта бойлик — бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос — бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик — бу билимсизликдир”, деганида нақадар ҳақ экани яққол намоён бўлади. Янги Ўзбекистонни тарақиёт босқичига кўтаришда ана шундай билимли, иқтидорли, фикри уйғоқ, ватанпарвар, ҳар жиҳатдан қимматли ёшларга таянамиз.

Президент таълим муассасалари агентлиги раҳбари Ҳилола УМАРОВА билан суҳбатимиз мамлакатимиз келажагига ҳисса қўишга тайёр, билимли, салоҳиятли ёшларни тарбияладиган янги тизим, бугунги таълимдаги ислохотлар ҳақида бўлди.



МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

РЕФЕРЕНДУМГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШГА
ДОИР МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

Марказий сайлов комиссиясининг 28 июнь куни бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида Президентимиз таклифига биноан, Конституцияни ислох қилиш бўйича ўтказиладиган референдумга пухта тайёргарлик кўришга доир масалалар муҳокама қилинди.



Мажлис кун тартибидан Ўзбекистон Республикаси референдум округлари ҳамда референдум ўтказувчи округ комиссиялари тўғрисидаги, референдум участкалари ҳамда участка комиссиялари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш, референдум ўтказувчи комиссиялар аъзоларининг малакасини оширишни ташкил этишга оид масалалар ўрин олди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси референдум округлари ҳамда референдум ўтказувчи округ комиссиялари тўғрисидаги, Референдум участкалари ҳамда участка комиссиялари тўғрисидаги низомлар “Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги қонун талабларидан келиб чиқиб ишлаб чиқилган. Улар ўз ичига комиссиялар аъзоларига қўйиладиган талаблар, комиссия аъзоларига номзодларни тавсия қилиш, комиссия таркибидан чиқариш ёки таркибини ўзгартириш,

Сайлов қонунчилиги ва замонавий технологиялар бўйича ўқув маркази юқори малакали экспертлари билан биргаликда замонавий таълим технологияларини қўллаган ҳолда, референдум ўтказувчи комиссиялар аъзоларининг қонунчилик ва замонавий ахборот технологияларини қўллаш бўйича билим ва кўникмасини оширишга қаратилган семинар-тренинглар дастури ҳамда ўқув-услубий материалларни ўзбек, қорақалпоқ ва рус тилларида ишлаб чиқиш вазифаси белгиланди.

комиссиялар фаолияти ва ваколатларини белгилаш, участка комиссияси жойлашган бино ва овоз бериш хоналарини жиҳозлаш, овоз бериш учун участка комиссияси томонидан референдум куни амалга ошириладиган вазифалар, овоз беришни ташкил этиш каби талаб ва тавсияларни қамраб олган. Шунингдек, референдум ўтказувчи комис-

сиялар аъзолари малакасини оширишни ташкил этиш, уларнинг сайлов қонунчилигидан хабардорлигини кучайтириш муҳим аҳамиятга эга. — Амалдаги қонунчилигимизга кўра, парламентнинг ўзи ҳам Конституцияга ўзгартиш киритиш ҳуқуқига эга, — деди Марказий сайлов комиссияси котиби Худойёр Маматов. — Аммо Президентимиз таъкидлаганидек, конституциявий

ислохотларни халқимизнинг фикри ва қўллаб-қувватлаши асосида референдум орқали амалга оширсак, бу том маънода халқимиз хоҳиш-иродасининг ифодаси — ҳақиқий халқ Конституцияси бўлади. Шу мақсадда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси 2022 йил 24 июнда “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳасини умумхалқ муҳокама-сига қўйиш ҳақида қарор қабул қилди. Марказий Сайлов комиссияси мамлакатимизда сўнгги йилларда бўлиб ўтган Парламент ва Президент сайловлари жараёнида орттирилган тажрибалардан келиб чиқиб, бўлажак референдумни юқори савияда, миллий қонунчилик, халқроқ андозалар даражасида ўтказишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шу мақсадда малакали олимлар ва мутахассислардан иборат экспертлар гуруҳи шакллантирилди.

Мажлисида референдум ўтказувчи комиссиялар аъзолари малакасини оширишни ташкил этиш концепцияси лойиҳаси муҳокама этилди. Унга кўра, Сайлов қонунчилиги ва замонавий технологиялар бўйича ўқув маркази юқори малакали экспертлари билан биргаликда замонавий таълим технологияларини қўллаган ҳолда, референдум ўтказувчи комиссиялар аъзоларининг қонунчилик ва замонавий ахборот технологияларини қўллаш бўйича билим ва кўникмасини оширишга қаратилган семинар-тренинглар дастури ҳамда ўқув-услубий материалларни ўзбек, қорақалпоқ ва рус тилларида ишлаб чиқиш вазифаси белгиланди.

Мажлисида жараёнга тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида сейсмик хавфсизликни таъминлаш ҳамда глобал иқлим ўзгаришининг республика иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини камайтириш юзасидан олиб борилаётган ишлар самарадорлиги танқидий таҳлил қилинди.

2022 йил 30 майда давлат раҳбарининг “Ўзбекистон Республикасининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони имзоланган бўлиб, унда янги Ўзбекистонни барпо этишда сейсмик хавфсизлик масаласининг устувор вазифалари белгилаб берилди. Сўнгги йилларда иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини ва сейсмик хавфсизликни таъминлаш, соҳага рақамли технологияларни кенг жорий этиш мақсадида сейсмопротектик кузатувлар тармоғи 30 фоиз кенгайтирилди, магнитометрик кузатувлар сони 5 тадан 15 тага, гидрогеосейсмологик кузатувлар 32 тадан 36 тага, онлайн режимда ўтказиладиган сейсмометрик кузатувлар 15 тадан 36 тага етказилди.

Соҳадаги ишлар натижадорлигини таҳлил қилган ҳолда, Қурилиш, Ҳавқулдада вазиятлар, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Фанлар академиясига икки ой муддатда тегишли ҳудудда сейсмик хавфсизлик соҳасида синовлар ўтказиш учун мўлжалланган полигон ташкил этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш топширилди.

Соҳа, тармоқ ва ҳудуд раҳбарлари эътиборини қаратиш зарур бўлган тизимли вазифалар белгилаб берилди:

Биринчидан, Фанлар академияси томонидан Андижон, Тошкент, Гулистон, Нурафшон, Наманган, Фарғона, Самарқанд, Жиззах, Бухоро, Навоий, Қарши, Термиз, Нукус, Урганч шаҳарлари марказларининг сейсмик микроҳудудлаштириш хариталарини ишлаб чиқишга алоҳида аҳамият қаратилди;

Иккинчидан, 2022 йил 1 сентябрдан республиканинг сейсмик фаол ҳудудларида янги қурилиш режалаштирилаётган, хавфлилик даражаси юқори бўлган объектларга зилзилабардошлик бўйича хулосалар бериш тартибини жорий этиш зарурлиги таъкидланди;

Учинчидан, ҳар йили 1 апрелга қадар республика ҳудудидаги сейсмик заиф ижтимоий соҳа объектлари рўйхатини шакллантириш ҳамда уларни инструментал-техник текширувдан ўтказиш амалиётини йўлга қўйиш кўрсатиб ўтилди;

Тўртинчидан, 2023 йилдан республиканинг сейсмик фаол зоналарида баландлиги 9 қават ёки ундан юқори бўлган бино ва иншоотларни вибродинамик ускуна ёрдамида синов ва текширувдан ўтказиш амалиёти бошланишига мутасадди вазирлик ва идоралар, вилоят ҳокимликлари эътибори қаратилди;

Бешинчидан, 2023 йил 1 майдан сув омборлари тўғонларининг зилзилабардошлигини доимий космик мониторинг қилиш тизимини йўлга қўйишнинг муҳимлиги қайд этилди.

Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида замонавийнинг асосий муаммоларидан бирига айланиб бораётган иқлим ўзгаришининг республика иқтисодиёт тармоқларига таъсири масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Саноат корхоналари, энергетика, транспорт соҳалари ривожига ҳамда урбанизация жараёни натижасида атмосферага ажратилаётган иссиқхона газлари иқлим ўзгаришига таъсир этувчи асосий омиллар ҳисобланади.

Гидрометеорология хизмати маркази ва Тошкент шаҳри ҳокимлигига 2022 йил якунига қадар Тошкент шаҳри иқлими ва атмосфера ҳавоси ифлосланишининг автоматлаштирилган мониторинг тизимини яратиш ва келгуси йилдан мазкур тизимни республиканинг бошқа ирриқ шаҳарларида жорий этиш топширилди.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг “Шил макон” лойиҳасини амалга ошириш жараёнида янги иш жойларини яратиш ва бунинг учун Бандлик жамғармаси орқали ажратилаётган давлат маблағларидан самарали фойдаланиш бўйича янгича ёндашув жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқулланди.

Вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари йил якунига қадар ўз маъмурий биноларини электр энергияси билан таъминлашда тўлиқ қуёш энергиясидан фойдаланиш чораларини кўриши зарурлиги таъкидланди.

Муҳокама натижалари бўйича Вазирлар Маҳкамаси баёни расмийлаштирилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

МУНОСАБАТ

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОХОТЛАРНИНГ
АСОСИЙ МАҚСАДИ ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ



Кувондиқ САНАҚУЛОВ,
“Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ бошқаруви раиси — бош директори, Олий Мажлис Сенати аъзоси


Ҳар бир даврнинг ўз тарихи, солномаси бўлади. Мамлакатимизда кечаётган кенг қўламли ислохотлар янги даврни бошлаб берди. Бутун биз давлатимиз раҳбари бошчилигида янги тарихимизни яратяпмиз. Ўзгаришлар янги Ўзбекистоннинг ривожланган давлатлар қаторига киришига мустаҳкам замин яратмоқда. Боиси, бу ислохотлар замирида инсон қадри мужассам.

Президентимиз яқинда Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувда Асосий қонунимизга ўзгартириш киритишнинг ҳаётий эҳтиёжлари ҳақида ғоят муҳим фикрларни айтиб, долзарб ташаббусларни илгари сурди. Жумладан, давлатимиз раҳбари “Бош мақсадимиз — ҳар бир юрtdошимиз ушбу ҳужжатни менинг Конституциям деб қахрланадиган мукамал даражага олиб чиқишдир”, дея таъкидлади.

Шу мақсад йўлида конституциявий ислохотнинг асл моҳияти тўрт асосий йўналишда ба- тафсил шарҳлаб берилди. Бу — инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, қадр-қиммати, дахлсиз ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш, “Ўзбекистон — ижтимоий давлат” та- мойилини мустаҳкамлаш, эркин ва адолатли фуқаролик жамиятини ривожлантириш, ва ниҳоят, Ўзбекистонда инсонларвар демократик ҳуқуқий давлат қуриш борасидаги ҳуқуқий асосларни конституциявий даражада та- комиллаштириш масалалари.

Энди янгиланган Конституциямизда “инсон қадри” тушунчаси “ижтимоий давлат” тамойили билан чамбарчас ҳолда бўй кўрсатади. Давлатимиз раҳбари бу ғоянинг туб негизида, аввало, инсон қадрини улуғлаш, одамларни рози қилиш- деб олижаноб мақсад муштараклигини алоҳида таъкидлади.

Бугун дунё шиддат билан ўзгариб бормоқда. Юртимизда юриштилаётган халқларвар сиёсат, барча соҳалардаги туб ислохотлар натижасида



саъй-ҳаракатлар янада мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга бўлади.

Президентимиз: “Ижтимоий давлат муҳтож- ларга уй-жой, яшаш учун зарур бўлган истеъм- ол товарларининг энг кам миқдори белгилаб қўйилишини назарда тутди. У шахс ва унинг оиласи муносиб ҳаёт кечириши учун етади- ган иш ҳақи, бандлиқни таъминлаш, хавфсиз меҳнат шaroитини яратиш, камбағалликни қисқартиришни талаб қилади”, деган муҳим бир таклифни илгари сургани ҳам фикримиз далилидир.

Бу ҳаётда эзгуликнинг савоби бекиёс. Мамлакатимизда ҳар бир инсон бахтиёр яшашга, ҳеч кимдан кам бўлмадан ҳаёт кечиришга ҳақлидир, деган ғоя халқимизни улуғ мақсадлар сари руҳлантирмоқда.

Ҳар қандай ислохотда малакали мутахас- сисларнинг ўрни жуда катта бўлади. Негаки, бугунги кунда илм-фан ютуқлари ва янги тех- нологияларсиз ҳеч бир соҳа ривожланмайдиган. Шу маънода, мамлакатимизда кафолатланган

сифатли таълимнинг такомиллашиши муҳим аҳамиятга эга. Кейинги йилларда бу борада кўп ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жорий йилда кон-металлургия соҳаси учун юқори ма- лакали, чуқур назарий билим ва амалий кўник- маларга эга, меҳнат бозорига ўз ўрнини топа оладиган юқори малакали муҳандис кадрлар тайёрлаш мақсадида Навоий давлат кончили- ва технологиялар университети ташкил этила- ни муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ижтимоий давлатда ҳар бир инсоннинг ҳақ-ҳуқуқлари кафолатланиши керак. Президентимиз кўрсатиб ўтганидек: “Ишсизликдан ҳимоя- ланиш, кафолатланган сифатли таълим, малакали тиббий ёрдам, барча учун тенг имкониятлар, оилалар, болалар, аёллар, қариялар, ногиронлиги бор шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳам ижтимоий давлатнинг асосий вазифасидир”. Энг муҳи- ми, ижтимоий давлатда фуқаролар ичимлик сув ва табиий газ, электр энергияси ва транспорт ҳамда бошқа қулайликлар билан таъминланиши ва мажбурий меҳнатга тақиб қўйилиши муҳим аҳамият касб этади. Президентимиз таъкидла- ганидек, ижтимоий давлатда ҳеч ким эътибор- дан четда қолмайди, ўз муаммолари билан ёл- физ ташлаб қўйилмайди. Шунингдек, малакали тиббий ёрдам, барча учун тенг имкониятлар, ои- лалар, болалар, аёллар, қариялар, ногиронлиги бор шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувват- лаш ҳам ижтимоий давлатнинг асосий вазифаси бўлади.

Халқимизда бирор киши уй қуриб чиқса, ва- танли бўлди, дейишганди. Ўз уйи бўлиши оила мустаҳкамлиги учун ҳам жуда муҳимдир. Бунга ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Президенти- миз бу борада ҳам ўз таклиф-мулоҳазаларини билдириб: “Инсоннинг дунёга келиши, шахс сифатида камолга етиши, фарзандларни вояга етказиш, миллий урф-одат ва тари- хий анъаналарни давом эттириш, тўйлар қилиш айнан уй-жойда амалга оширила- ди. Фарзанд туғилса, яхши ниятлар билан одамларимиз ҳовлисига қўчатлар экиб, шу уй, шу бoғ бoғ йиллар авлодларимга хизмат қилсин, деб орзу қилади”, дея халқимизнинг юрагидаги гапларни айтди, десак айна ҳақи- қатдир. Шу маънода, Президентимизнинг фу- қароларнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқларини ҳи- моя қилиш, унинг дахлсизлигини кафолатлаш, аҳолининг барча қатламлари, айниқса, муҳтож тоифаларни уй-жой билан таъминлаш бўйича

давлатнинг мажбуриятларини Конституцияда мустаҳкамлаш зарурлиги бўйича таклифлари муҳим аҳамиятга эга.

Хусусий мулк кафолати ва тадбиркорлик бозор иқтисодиёти ривожининг йўналишларидан биридир. Янги Ўзбекистоннинг кейинги иқтисодий тараққиётида у муҳим аҳамиятга эгадир. Давлатимиз раҳбари Бош қонунимиз- да хусусий мулк ҳимоясини таъминлаш учун зарур бўлган конституциявий кафолатларни кучайтириш, ҳар бир тадбиркор доимо дав- лат, Конституция, қонунлар ҳамда Президент ҳимоясида бўлиши, мулкдор суд қарорисиз, ўзининг розилигисиз, адолатли тоvon пулисиз мулкидан маҳрум этилмаслиги каби таклиф- ларни билдирганининг сабаби шу. Иқтисодиё- тимизни ҳаракатга келтирувчи асосий куч бўл- ган тадбиркорликнинг ривожланиши йўлидаги барча тўсиқ ва ғовларни олиб ташлаш ҳамда товарлар, хизматлар, ишчи кучи ва молиявий маблағлар эркин ҳаракатланиши, ички ва таш- қи савдо ривожланиши учун давлат барча ша- роитларни яратиши ҳақидаги норма мустаҳ- камланаётгани давр талабидир.

Бозор иқтисодиётини ривожлантириш учун қулай шарт-шaroитлар яратилиши керак. Президентимиз айтганидек, давлат хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай иш- билармонлик ва инвестиция муҳитини ҳамда шaroитларни таъминлаши, эркин ва ҳалол рақo- батнинг ҳимоя қилиниши, иқтисодий фаолиятда монополлаштиришга йўл қўйилмаслигини кафо- латлаши керак. Энг муҳими, Асосий қонунимиз- да ер хусусий мулк бўлиши мумкинлиги аниқ белгиланиши лозим.

Бугун шиддатли ислохотлар, ўзгаришлар ва янгиликлар даврида яшяпмиз. Шу жараён- ларга мос таразда тасаввуримиз, онгу шуури- миз, фикрларимиз ҳам янада юксалиб бoряпти. Юртдошларимиз ҳаётига яратувчанлик руҳи кириб келди.

Кенг қўламли ислохотлар самараси нафақат одамлар ҳаётида, балки ҳар бир соҳа ривожид- а эркин намоён бўлмоқда. Асрларга татигулки йиллар ва йўллар одамларимиз дунёқарашини тубдан ўзгартириб, эртанги кунга ишончини оширмоқда. Ўзгаришлар ҳар доим ҳам оson кечмайди. Янгилик қилиш, айнақса, бутун бош- ли мамлакат ва унинг миллионлаб халқи ҳаёти- ни тубдан ўзгартириш ғоят шарофати, айни чоғда жуда мушкул ва вақт талаб қилувчи, та- рихийлик мақомига эга воқеадир.

Президентимиз таъкидлаганидек: “Халқи- миз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг ёркин ифодаси бўладиган янгиланган Конституциямизга таяниб, янги Ўзбекистонни, албатта, биргаликда барпо этамиз”.

Бугун Ўзбекистон юксак тараққиёт йўлига чиқяпти. Олдимизда катта доvonларни забт этишдек улуғ мақсадлар ҳамда шунга яраша ютуқ ва марралар турибди. Бир сўз билан айт- ганда, дунёга юзланаётган янги Ўзбекистон улкан ислохотлар йўлидан бормоқда.

ТАЪЛИМ ТАРАҚҚИЁТИ

УЙҒОҚ ФИКР ТАРБИЯСИ

ЁХУД ЯНГИ РЕНЕССАНСНИ БУНЁД ЭТИШ ЙЎЛИДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР



Бошланиши 1-бетда

— Сўнги йилларда “Янги Ўзбекистон мактаб оstonасидан бошланади” деган ғоя асосида таълим тизими тубдан ислох қилиняпти. Бу борада Президентимизнинг қатор фармон ва қарорлари эълон қилинди. Шундан келиб чиқиб, истеъдодли болаларни танлаш, уларни тўғри йўналтириш, қобилиятини ривожлантириш, интеллектуал салоҳиятини намоён этишга кўмак берадиган таълим тизimini яратишга катта эътибор қаратилмоқда, — дейди Ҳ.Умарова. — Давлатимиз раҳбари 2018 йили Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи чоғида “Мамлакатимизни янги тараққиёт босқичига кўтаришни ўз олдимизга устувор вазифа қилиб қўйган эканмиз, бунини амалга ошириш учун бизга, энг аввало, янги авлод кадрлари керак”, деган эди. Ана шу эзгу ният ва мақсадлар натижаси ўлароқ, тез суръатда Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этилди.

Мақсад илгор халқро тажриба ва технологиялардан фойдаланган ҳолда, ватанпарвар, билимли ёшларни тарбияладиган маскан яратиш эди. Шундай таълим муассасалари бугун юртимизнинг ҳар бир вилоятида фаолият юритмоқда. Утган йили Президент мактабларининг илк қалдирғочлари — 96 нафар битирувчисининг аксарияти дунёнинг нуфузли 100 талиғига қирадиган олий ўқув юртларидан тақлиф олди. Ўқувчиларимиз 17 миллион АҚШ доллариға яқин грантни қўлга киритди. “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали 20 нафарға яқин ўқувчимиз аини пайтда дунёнинг нуфузли олий ўқув юртида тахсил олмақда. Битирувчиларимизнинг 65 фоизи агентлик тасарруфидаги “Янги Ўзбекистон” университетида тахсилни давом эттиряпти. Бунинг неғизида, албатта, салоҳиятли, уйғоқ фикрли кадрларни етиштириш мақсади ётибди.

Президент мактабларида ўқитиш халқро “STEAM — таълим” дастури асосида олиб борилади. Бундай дастурлар бўйича билим бериш инновацион янгиликларға йўл очади. Мактабда ўқувчиларнинг академик салоҳиятини, ижтимоий фаоллигини ва олган билимларини амалиётда қўллаш малакасини ошириш, етакчилик кўникмаси, нотўқлик санъатини ривожлантириш, миллий ва умуминсоний қадриятларға ҳурмат, ҳаётға қатъий ишончини шакллантиришға эътибор қаратилмоқда. Бу, ўз навбатида, ҳар бир воқеликка огоҳлик билан қарайдиган, она юрти тараққиётига ўзини дахлдор сезадиган уйғоқ фикрли янги авлод камолға етишиға хизмат қилады.

— Тараққиёт стратегиясида ўқитувчиларға яхши шароит яратиш, янги мактаблар барпо этиш, мавжудларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, миллий таълим дастурини ишлаб чиқиш каби қатор вазифалар белгиланган. Ўтган давр мобайнида Президент таълим муассасалари агентлиги тизимидаги таълим масканларида бу борада қандай ишлар амалға оширилди?

— 2020/2021 ўқув йилида юртимиздаги умумтаълим мактаблари битирувчиларининг қарийб 30 фоизини олий таълимға қамраб олиш имконияти мавжуд бўлди. Утган ўқув йили якунлариға кўра, агентлик тизимидаги 4 та Президент мактабини 96 нафар, 6 та ижод мактабини 160 нафар ва 3 та ихтисослаштирилган мактабини 165 нафар ўқувчи муваффақиятли тамомлади. Утган йили битирувчиларимиз 100 фоиз олий таълимға қамраб олинди. Бу ҳам барчамиз учун қувонарли кўрсаткич.

Иқтидорли ўқувчиларға ўз салоҳиятини намоён қилиши учун барча шарт-шароит яратилмоқда. Мазкур ишлар доирасида олимлар, маҳаллий

ва хорижий ўқитувчиларни жалб этган ҳолда ихтисослаштирилган мактабларнинг ихтисослик фанлари, жумладан, математика, информатика, физика, чет тилидан интеграциялашган таълим дастурлари ишлаб чиқилган бўлса, кимё, биология ҳамда ижод мактаблари учун она тили, адабиёт ва чет тили фанлари бўйича дастурлар устида иш олиб боришмоқда. Шу қаторда 7- ва 11-синфлар учун махсус адабиёт, 7-синф учун матншунослик дарсликлари тайёрланиб, ижод мактабларида тажриба-синовдан ўтказилляпти.

Президентимизнинг ўтган йили 19 июлдаги “Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида қатор муҳим вазифалар белгиланди. Улардан бир қанчаси бугун ўз ижросини топган. Хусусан, ижод мактабларида маҳорат дарслари, замонавий ва миллий касб-хунарга йўналтирувчи тўғрақлар йўлга қўйилиши, мактабларнинг нафақат маҳаллий, балки нуфузли хорижий кутубхона ва газета-журналларға бириктирилиши шулар жумласидандир.

Шунингдек, ижод мактаби ўқувчиларининг ижодий ишлари тўплам сифатида, ихтисослаштирилган мактаблар ўқувчиларининг кичик илмий изланишлари китоб шаклида мунтазам тарзда чоп этилиб, жамоатчиликка тақдим этилмоқда.

Агентлик “Digital Generation Uzbekistan” нодавлат нотижорат муассасаси ҳамда “Zamin” халқро жамоат фонди билан ҳамкорликда “Рақамли авлод” лойиҳасининг IT йўналиши бўйича методика ишлаб чиқди ҳамда имконияти чекланган, алоҳида таълимға эҳтиёжманд 100 нафар бола учун инклюзив IT таълим курслари ташкил этди.

Юртимизда илк мартаба педагог кадрларни ишға қабул қилиш бўйича электрон тизим орқали очик танлов ўтказилди. Хусусан, агентлик тизимидаги мактаблар педагог кадрлар job.piima.uz сайти орқали ишға қабул қилинди. Жорий йилда фаолият бошлаган Президент мактаблариға 115 нафар хорижлик мутахассис, шунингдек, 357 нафар маҳаллий ўқитувчи танлов асосида ишға жалб этилди.

Якуниға етган ўқув йилида агентлик тизимидаги таълим муассасаларида малака тоифасига эга педагоглар улуши амалдаги 49 фоиздан

жиҳозланди. Санасак, салмоқли натижаларимиз бисёр. Шу билан бирға, олдимизда ҳал этилиши зарур кўллаб масалалар мавжуд. Жумладан, бу ўқув йилида янги бунёд этиладиган ихтисослаштирилган мактаблар ҳисобига сафимиз янада кенгайди, “Янги Ўзбекистон” университетида янги йўналишлар очилади.

14 та Президент мактабига жами 41943 нафар, ижод мактаблариға 4576 нафар талабгор ҳужжат топширган.

Агентлик тизимида янги ташкил этилган ихтисослаштирилган мактабларға бугунги кунға қадар 279675 та



ариза келиб тушган. Талабгорлар сонига эътибор қилинг. Қувонарлиси, мактабларимизда халқимизнинг юзлаб фарзандлари ўз билимини оширмоқда. Улар ўқишға қабул қилинмай қолган ҳолатда ҳам билимини ортиси шубҳасиз. Шундай экан, энг зўр ўқувчиларни танлаб олганимиздан кейин уларға таълим бериш жараёнида ҳам бор куч-ғайратимизни сарфлашимиз, ҳалоллик, фидоийлик, садоқат, ҳаракатчанлик билан ишлашимиз керак.



80,5 фоизға, халқро сертификатға эга педагоглар улуши 12,1 фоиздан 50 фоизға етказилди. Мактабларимизнинг моддий-техник таъминоти бўйича ҳам анча ишлар бажарилди. Жумладан, 2022 йилнинг ўзида барча Президент мактабларининг лаборатория хоналари зарур жиҳозлар билан таъминланди. Фойдаланиш учун автобуслар берилди.

Ибройим Юсупов, Муҳаммад Юсуф, Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов номидаги ижод мактабларини капитал таъмирлаш ва қўшимча бинолар қуриш ишлари давом этмоқда. Натижада янги ўқув йилидан 100 ўринли ўқув биноси, 650 ўринли ўқувчилар турар жойи, 3 та ошхона, 2 та спорт зали, 1 та замонавий кутубхона биноси ўқувчилар ихтиёриға топширилади.

Ўқувчиларға яратилаётган шарт-шароит билан бир қаторда, педагог кадрлар малакасини ошириш ҳам муҳим йўналишлардан. Бу йил Андижон вилоятида Педагогик маҳорат ва халқро баҳолаш илмий-амалий маркази филиали биноси ҳам фойдаланишға топширилади.

Муҳаммад Юсуф номидаги ижод мактабининг қурилиш-таъмирлаш ишлари натижасида мазкур ижод мактаби ўқувчилари учун кўллаб янгиликлар жорий этилди. Масалан, дизайн, драма, медиахоналар ташкил этилиб, замонавий техника билан

— Давлатимиз раҳбарининг шу йил 14 апрелдаги “Президент таълим муассасалари агентлиги тизимидаги ихтисослаштирилган мактаблар тармоғини кенгайтириш тўғрисида”ги фармонида вилоятлар марказларида иккиталдан, туман ва шаҳарларда биттадан ихтисослаштирилган мактаб ташкил этилиб, уларда Президент мактабларида шаклланган замонавий ва илгор методиканиннг жорий этилиши кўзда тутилган. Бу борада бажарилаётган ишлар хусусида тўхталсангиз.

— 2019 йилда юртимизда 271 та ихтисослаштирилган мактаб бор эди. Президентимизнинг аниқ фанлар ва хорижий тилларни ўргатишға оид ташаббуси натижасида математика ва физика фанлари бўйича 126 та, кимё-биология бўйича 87 та, ахборот технологиялари йўналишида 99 та, хорижий тиллар бўйича 207 та ихтисослаштирилган мактаб ташкил қилинди. Аини пайтда биргина Президент таълим муассасалари агентлиги ҳузурида 14 та Президент мактаби, 3 та таянч ихтисослаштирилган мактаб ҳамда 9 та

ижод мактаби фаолият юритмоқда. Шунингдек, 2022/2023 ўқув йилида агентлик тизимида янги ташкил этилган 168 та ихтисослаштирилган мактаб фаолиятини бошлаяпти. Яна 25 та мактаб қурилиш жараёнида.

Шу йил 17 январда давлатимиз раҳбари ихтисослаштирилган таълим қамровини кенгайтириш ва сифатини ошириш бўйича ўтказилган йиғилишда: “Бу Агентликини фақат 14 та мактаб учун тузганимиз йўқ. У Президент мактабларидаги муҳитни, методикани бошқа мактабларға ҳам олиб кириши керак”, деди. Шу боис, янги ўқув йилидан бошлаб



вилоятлар марказидаги, йирик шаҳар ва туманлардаги иккитадан, кичик туман ва шаҳарлардаги биттадан ихтисослаштирилган мактаб Халқ таълими вазирлигидан Президент таълим муассасалари агентлигига ўтказилиши ва агентлик тизимида фаолият кўрсатаётган ихтисослаштирилган мактаблар юртимиздаги бошқа шу каби таълим масканлари учун локомитив вазифасини бажариши белгилан берилди.

Бу мактабларни бир ташкилотдан бошқа ташкилотға ўтказиш билан ҳеч нарсаси ўзгармайди. Уларға малакали ўқитувчилар керак. Чеқка ҳудудларға бориб ҳамма ҳам дарс бермайди. Уша ердаги ўқитувчиларининг энг салоҳиятлиларини саралаб олиб, уларға тренинглар ўтиб, агентлигимиз ҳузуридаги Педагогик маҳорат ва халқро баҳолаш илмий-амалий марказида малакасини оширялмиз.

Бу мактабларда муайян фанлар ихтисослаштирилган ҳолда чўқур ўқитилади. Ўқув ишлари ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан уйғун олиб борилади. Бу эса юртимиз учун етук мутахассислар, илм-фанини юксалтиришға ҳисса қўшадиган иқтидорли олимлар етишиб чиқишиға хизмат қилады.

Агентлик томонидан хориж тажрибаси ўрганилган ҳолда, ихтисослаштирилган мактаблар учун интеграциялашган таълим дастурлари ишлаб чиқилди. Биз бу жараёнда АҚШ, Россия сингари давлатларнинг таълим дастурлари, International Baccalaureate, SAT каби имтиҳонлар, PISA, TIMSS, PIRLS халқро баҳолаш дастурлари мазмунини таҳлил қилиб, миллий таълим дастурининг энг афзал жиҳатлари билан



уйғунлаштирдик. Бугун мазкур таълим дастурлари халқро даражада тан олинмиши учун UK ENIC халқро ташкилоти билан музокаралар ўтказилляпти. Мазкур дастурлар янги ташкил этиладиган ихтисослаштирилган мактабларда жорий қилинади.

— Қайси халқро ташкилотлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилган? Бунинг самараси нималарда кўринмоқда?

— Президент таълим муассасалари агентлиги кўллаб халқро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилады. Жумладан, Президент мактабларида таълим ва имтиҳон жараёнларини ташкил этишда Cambridge Assessment International Education ташкилоти, инглиз тили ўқитувчилари малакасини ошириш доирасида Ноттингем Трент университети, “Янги Ўзбекистон”

Ўзбекистон” университети учун хорижий стратегик ҳамкор сифатида жалб қилиш имконияти муҳокама этилди.

“Hallfield Inclusive SEND school” инклюзив таълимға йўналтирилган мактаб билан инклюзив таълим дастурлари, ўқув режалари, ўқитувчилар алмашинуви ҳамда ўқувчилар учун янги стандартдаги методик ёндашишлар борасида ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Шунингдек, Президент таълим муассасалари агентлиги тизимидаги Президент мактаблари Университетлар кенгаши (College Board) аъзосига айланди. Мазкур кенгашға аъзо бўлиш билан Президент мактаблари унинг дастурлари ва ахборот ресурсларидан фойдаланиш имкониятиға эга бўлди.

— Ўқитувчилар малакасини ошириш бўйича қандай ишлар амалға оширилмоқда?

— Мактаб маъмурияти ва педагог ходимларнинг касбий маҳоратини ошириш мақсадида Cambridge Assessment ташкилоти билан Касбий ривожлантириш дастури имзоланди. Шунингдек, раҳбар ва педагог кадрлар учун узлуксиз малака ошириш курслари ҳамда методологик, ўқув семинарлари ташкил этилди.

Агентлик ЮНЕСКО ҳамда International Development Research Centre халқро ташкилоти билан ҳамкорликда таълим тизимида мавжуд муаммоларни бартараф этиш мавзусида илмий-амалий тадқиқот ўтказди. Мазкур тадқиқот натижалари касбий маҳоратни ошириш дастурининг асосига айланди. 2021 йил 7 декабрь куни Вазирлар Маҳкамасининг “Президент таълим муассасалари агентлиги ҳузуридаги Педагогик маҳорат ва халқро баҳолаш маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори имзолангани яна бир ютуғимиз бўлди. Мазкур марказ фаолияти йўлга қўйилиши агентлигимизға билдирилган юксак ишонч. Бошқа томондан, зимманимизға яна бир катта масъулият юкляди.

Иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш жараёни ҳар биримиздан салоҳиятимизни ошириб боришни талаб қилады. Битирувчиларимизнинг нафақат олий таълим билан 100 фоиз қамраб олинмишға эришишимиз, балки барчасини фақат давлат гранти талабиға муносиб тайёрлашимиз ва бунға эришиш учун бор имкониятимизни, педагогик маҳоратимизни ишға солишимиз зарур.

Юқорида қайд этганимиздек, энди “маҳорат маркази”миз ҳам бор. У ерға агентлик тизимидаги ва хорижлик халқро экспертларни, мутахассисларни жалб этиш кўзда тутилган. Шундай экан, бор имкониятдан фойдаланиб, “ҳаёт давомида ўқим” тамойилиға таянган ҳолда малакамизни мунтазам ошириб боришимиз даркор. Жорий йилда малака тоифаси, илмий салоҳият бўйича кўрсаткичларни 80 фоизға етказишни мақсад қилганмиз.

— Бугун Президент мактабларини битираётган ёшлар хорижнинг энг илгор олий ўқув юртлариға грант асосида қабул қилинмоқда. Бу тизим қандай йўлга қўйилгани ҳақида маълумот берсангиз. Илгари ҳам шундай тизим бормиди?

— Президент мактаби ва ихтисослаштирилган мактаб ўқувчилариға ўз йўналишларини тўғри белгиллаш, олийгоҳлар ҳақида маълумот бериш, ҳужжатларини расмийлаштиришда амалий ёрдам кўрсатиш, маҳаллий ва хорижий олий ўқув юртлариға ҳужжатларни тўғри юбориш мақсадида мактаб маслаҳатчиси лавозими жорий этилди. Ўқувчиларға таълим йўналишлари бўйича индивидуал маслаҳатлар бериш, уларни дунёнинг энг ривожланган мамлакатларидаги нуфузли олий ўқув юртлари ҳақидаги маълумотлар билан таништириш, олийгоҳларға ҳужжат топшириш ва рўйхатдан ўтиш бўйича керакли тавсиялар бериш, эҳтиёж юқори касблар билан таништириш ва уларға йўналтиришда мактаб маслаҳатчиларининг аҳамияти катта. Шунингдек, ўқувчиларимизнинг дунёнинг энг нуфузли олий ўқув юртларидан тақлиф олиши ва грант қўлга киритиши замирида малакали мактаб маслаҳатчисининг хизмати бекиёс. Мазкур дастур синовдан муваффақиятли ўтган, ижобий тажриба умумтаълим мактаблариға трансляция қилиниши кўзда тутилган. Бу ишлар эса ўқувчиларимизға келажақда ўз йўлини топишға катта имконият яратади.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири
Рисолат МАДИЕВА
суҳбатлашди.



арзон ва сифатли уй-жойлар барпо этишнинг муҳим таянчи

Исломбек ДАВЛЕТОВ,
Тошкент архитектура-қурилиш институти кафедра
мудир, иқтисодиёт фанлари номзоди, профессор

Бошланиши 1-бетада

Эътиборли жиҳати, бу борадаги ишлар кўлами кейинги йилларда янада кенгайди. Хусусан, Президентимиз конституциявий комиссия аъзолари билан бўлиб ўтган учрашувда “Ўзбекистон — ижтимоий давлат” деган ғояни Бош қомусимизда мустақамлашни тақлиф эта туриб, “Ижтимоий давлатда инсон кадри деганда, аввало, фуқарони яшаш учун зарур уй-жой билан таъминлашни тушунамиз. Бизнинг халқимиз учун уй-жой — бу Ватан ичра кичик ватандир. Инсоннинг дунёга келиши, шахс сифатида камол топиши, фарзандларни воёга етказиш, миллий урф-одат ва тарихий анъаналарни давом эттириш, тўйлар қилиш айнан уй-жойда амалга оширилади”, деди. 2022–2026 йилларда реновация ва уй-жой дастурлари доирасида шаҳарларда маънан эскирган уйлар ўрнига 19 миллион квадрат метрдан ортиқ замонавий уй-жойлар барпо этилади. Бунинг ҳисобига, 275 мингдан зиёд оила янги массивларга қўчиб ўтади.

Кези келганда масаланинг ижтимоий аҳамиятидан келиб чиқиб таъкидлаш жоизки, ижтимоий соҳадаги муҳим муаммоларни олдиндан ҳал қилмасдан туриб, иқтисодий ривожланиш қарор топтираш мумкин эмас.

Сир эмас, юртимизда уй-жой қурилиши узоқ йиллар турғунлиқда қолиб кетди. Бу, ўз навбатида, аҳолининг эҳтиёжи кескин ошишига олиб келди. Шунинг учун ҳам сўнгги йиллардаги уй-жой қурилишига оид рақамлар қанчаллик йирик бўлмасин, ҳудудларда ҳали ҳам уй-жой масаласи бугунги куннинг энг муҳим

ижтимоий муаммоларидан бири бўлиб турибди. Аҳолини уй-жой билан таъминлаш муаммосини ҳал қилишда уй-жой қурилиш кластерларини яратиш ҳамда ижтимоий-иқтисодий макон ва янги авлод санатини ривожлантириш бўйича инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш асосий восталардан бири сифатида муҳим аҳамиятга эга.

Уй-жой қурилиш кластерининг бошқа турдаги бирлашмалардан фарқи шундаки, у пировард қурилиш маҳсулоти, яъни турар жой биноларини барпо этиш жараёнининг барча иштирокчилари — ҳомашё етказиб берувчилардан тортиб, якуний маҳсулот истеъмолчиларигача, шу жумладан, хизмат кўрсатиш соҳаси ва ихтисослаштирилган инфратузилмани ўзида бирлаштиради.

Уй-жой қурилиш кластери — ҳудудда географик жиҳатдан маҳаллийлаштирилган қурилиш корхоналарининг йирик бирлашмаси. Булар моддий, меҳнат, илмий ва инвестиция ресурсларини етказиб берувчилар, шунингдек, аҳолининг шинам (комфорт) ва арзон уй-жойга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида иқтисодий ва эстетик хусусиятларни ўзида мужассам этган рақобатбардош турар жой биноларини барпо этиш бўйича умумий стратегиясига эга бўлган бизнес ҳамжамиятлари бўлиши мумкин.

Шу ўринда савол туғилиши табиий: хўш, уй-жой қурилиш кластерларини ташкил этишнинг қандай зарурати бор, у бизга нима беради?

Юқорида қайд этиб ўтганимиздек, мамлакатимизда уй-жой қурилиши, яна ҳам аниқроқ айтганда, аҳолини арзон

ва сифатли турар жойлар билан таъминлаш борасида катта мақсадлар кўзланмоқда. Масалан, Президентимизнинг 2021 йил 9 декабрдаги “Янги Ўзбекистон” массивларини қуриш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан 2022 йилда юртимизнинг 29 та ҳудудидида “Янги Ўзбекистон” массивларини барпо этиш дастури тасдиқланди. Эътиборли жиҳати, фармонда аҳолининг уй-жой шароитини яхшилаш, ҳудудларда замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида кўп қаватли уй-жойлар, ижтимоий соҳа ва инфратузилма объеклари ҳамда муҳандислик-коммуникация тармоқлари қурилишини жадаллаштириш, ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва аҳоли пунктларининг урбанизация жараёнларини ривожлантириш билан боғлиқ қатор муҳим вазифалар, жумладан, кўп қаватли уй-жойлар, муҳандислик-транспорт коммуникацияси, ижтимоий соҳа, ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш объектиларини комплекс тарзда қуриш вазифаси белгилаб берилди.

Албатта, бунёд этиладиган “Янги Ўзбекистон” массивларида “ақли бино”, “ақли шаҳар” концепциясини кенг жорий этиш, шунингдек, ушбу концепция орқали энергия ва моддий ресурсларни истеъмол қилиш даражасини тушириш, қурилишнинг инсонлар соломатлиги ва атроф-муҳитга бўлган салбий таъсирини камайтириш, шаҳарларнинг “яшил белбоғ”ларини кенгайтириш ва тоза чучук сув манбаларини муҳофаза қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Маъмур вазифаларни амалга оширишда ипотека орқали уй-жойларни сотиб олишни кенгайтириш ва қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш,



ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

шунингдек, ҳудудларда уй-жой қурилиш кластерларини ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади.

Негаки, уйларни қурган билан муаммо ҳал бўлиб қолмайди. Чунки бу ерда аҳолининг харид қобилияти, деган масала ҳам бор. Шу нуқтаи назардан, барпо этилажак уй-жойлар арзон бўлиши мақсадга мувофиқ. Бунинг учун эса таннарх арзон бўлиши, таннарх арзон бўлиши учун эса кластер тизими зарур.

Тўғри, ҳозир ҳам ижтимоий аҳамиятга эга уй-жойлар қурилишида сифатли ва тежамкор маҳаллий маҳсулотлардан фойдаланиш, пировардида, таннарх камайишига эришиш борасида барча чоралар қўрилати. Агар бунга юқорида қайд этиб ўтганимиз — уй-жойларни барпо этиш жараёнининг ҳомашё етказиб берувчиларидан тортиб, то маҳсулотни истеъмолчи-

ларга беришгача бўлган иштирокчиларни ўзига бирлаштирган кластер тизими ҳам қўшилса, фойда қўрувчилар сони қисқариши ҳисобига таннарх янада арзонлашади.

Ҳозирги вақтда юртимизда уй-жой қурилиш кластерлари фаолиятининг асосий мақсади, замон талабларига жавоб берадиган ижтимоий муҳитни шакллантириш ва уни жадаллаштиришдан иборат. Бу фуқароларнинг моддий эҳтиёжларини қондириш даражасини комплекс тавсифловчи сифатида, ҳам турмуш даражаси, ҳам уларнинг ҳаёт сифати ва уй-жой шароитлари яхшиланишига буткул тааллуқлилиги билан янада аҳамиятли.

Гап уй-жойлар қурилишида таннарх арзонлигига эришиш ҳақида борар экан, бу борада Президентимизнинг 2022 йил 21 февралдаги “Уй-жойлар қурилишини ва қурилиш материаллари саноатини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари

тўғрисида”ги қарорини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим. Қарорга мубофиқ, аҳолининг уй-жой билан таъминланиши даражасини ошириш мақсадида 8 та туманда ҳомашёни қазиб олишдан уни қайта ишлаш, лаборатория текширувидан ўтказиш, тайёр қурилиш ва пардозбон материаллар ишлаб чиқаришгача бўлган қўшилган қиймат занжирини яратувчи қурилиш материаллари кластерларини ташкил этиш белгиланди. Шунингдек, 16 та туман ва шаҳарда бошқа ҳудудлар билан саноат кооперациясини ташкил қилиш орқали қурилиш материаллари ишлаб чиқарилиши йўлга қўйлади. Ҳар бир ҳудудда камида биттадан қурилиш материалларини ишлаб чиқаришдан қурилиш объектиларини лойиҳалаштириш ва тайёр кўп қаватли уй-жойлар қуришгача қўшилган қиймат занжирини яратувчи уй-жой қурилиш кластерлари ташкил этилади.

Умуман олганда, ушбу йўналишда кўзланган мақсадларга эришиш борасида барча ҳуқуқий ва моддий асослар яратиб берилган. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами вакилларини уй-жой билан таъминлашда янада самарадорликка эришиш учун эса уй-жой қурилиш кластерларини талаб даражасида ташкил этиш, давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар сарфланиши устидан назоратни қўчайтириш, соҳада давлат-хусусий шериклик муносабатларини янада ривожлантириш, қурилишнинг барча жараёнларини назорат қилишда “Шаффоф қурилиш” тизимидан унумли фойдаланиш талаб этилади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мамлакатимизда аҳолини сифатли ва арзон уй-жойлар билан таъминлаш борасидаги ишлар кўлами кенгайиб бормоқда. Бу эзу саъй-ҳаракатлар натижасида минглаб юрдошларимиз ўз уй-жойига эга бўлиб, янгича яшаш завқини сура бошлапти. 15-20 йиллаб ижарама-ижара юриб, бу бахтга эришган одамларнинг кўзидида қувонч кўриб, қувонасиз. Инсон қадрини улғайлашга қаратилган ишловларимиз бу каби самараси беихтиёр қалбни тўлқинлантиради, келажакка ишончни мустаҳкамлайди, орзулантиради.

Ҳақим Йўлдошев олган сурат.

БАНДЛИК

МУНОСИБ ИШ ВА ДАРОМАД

камбағалликни қисқартиришнинг асосий омили

Салоҳиддин САМАДОВ,
Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги
Жамоат ишлари жамғармаси ижрочи директори

Ишсизлик, камбағаллик, зарурий шароитсиз ҳаётда яшаш бир киши ёки оиланинг эмас, балки бутун бошли жамият, мамлакат муаммосидир. Айниқса, инсон қадри ҳар недан устун турадиган давлатда аҳолининг фаровон яшаши бирламчи вазифалар сирасига киради.

Ўзбекистонда “Инсон қадри учун” тамойили асосида келгуси беш йилда камбағалликни камида 2 бараварга қисқартириш белгиланган. Бу 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида қайд этилар экан, унда янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини ошириш орқали ишсизлик даражасини қисқартириш ҳам кўзда тутилган.

Юртимизда маҳалла тизими орқали ҳар бир хонадонга кирилиб, аҳоли муаммолари ўрганилаётгани, одамларни касб-хунарга ўқитиш, бандлигини таъминлаш, доимий даромад манбаини яратишга катта эътибор қаратилаётгани боиси шунда. Кам таъминланган, эҳтиёжманд оилаларга моддий қўмак, хайрия ёрдамлари берилаптики, мақсад — ҳеч бир киши қийналиб қолмасин, шу жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида имкониятлардан бирдек фойдалансин.

Аммо “Қўлдан берганга — қуш тўймас”, деган нақл бор. Моддий ёрдам доимий бўлмайди ва бунинг ҳисобида яшаш ҳам имконсиз. Шу боис, аҳоли бандлигини таъминлашга масъул идоралар одамларнинг қўлига “балиқ” эмас, “қармоқ” берилади. Яъни ишсиз, кам таъминланган оила аъзолари аввал касб-хунарга бепул ўқитилиб, сўнг ўзи эгаллаган соҳаси бўйича меҳнатга жалб қилинмоқда.

Меҳнат органларига мурожаат қилган ишсиз фуқароларни имконияти, истагига қараб бирор ишга жойлаштириш, жамоат ишлари, йўл ва уй-жой коммунал инфратузилмасини қуриш, таъмирлаш ва реконструкция қилишга, шаҳарлар ва туманларнинг ободонлаштиришга, мавсумий қишлоқ ҳужалиги ишларига жалб этиш катта бир тизимга айланиб улғурди. Бунда Жамоат ишлари жамғармаси фаолияти ҳам муҳим ўрин тутмоқда.

Йўналишлар сони 20 тага кўпайди

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 октябрдаги қарори билан Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузурида ташкил этилган Жамоат ишлари жамғармаси бүгун “муносиб шароит, муносиб меҳнат, муносиб даромад” шiori остида аҳолига хизмат қилиб келяпти. Бизнинг вазифамиз банд бўлмаган шахсларни вақтинчалик маош билан таъминлаш ва уларни иш қидириш даврида моддий қўллаб-қувватлаш, ишсизлар бандлигини таъминлаш учун шароитлар яратиш, қасбга эга бўлмаган илк бор иш изловчи шахсларни меҳнат фаолиятига жалб этиш қабилардан иборат.

Бу жараёнда жамғарма бандликни таъминлашга ажратиладиган маблағни кераклик марказларига оқилона етказиш зиммасига олади. Кишиларни вақтинча ёки доимий иш билан таъминлаш учун йўналтирилган маблағни ҳалол ва оқилона тақсимлаш катта масъулиятдир.

Биз жамоатчилик ишлари ҳақида гапирганимизда, қўпчилик ободонлаштиришни тушунади. Аммо “жамоат жойларида ишлаш” кенг тушунча бўлиб, бир қанча фаолият турларини қамраб олади. Масалан, меҳнат ташкилотлари мурожаат қилган фуқаролар “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”, “Яшил макон” миллий дастурлари доирасида қўқаламзорлаштириш, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига тиббиёт патронаж хизмати кўрсатиш, чорва-насл марказларида техник осеменатор хизмати ишларига, меҳнат инспекторлари ҳамда жамоатчи ёрдамчилар, маҳалла раислари ёрдамчилари сифатида жалб қилиниши мумкин.

Айниқса, коронавирус пандемияси бошланган илк даврларда жамоат ишларига бўлган талаб кескин ортди. Бу каби ишларнинг турлари ҳам кенгайиб, йўна-



лишлар сони 20 тага кўпайди. Талабгорлар дезинфекция, карантинга олинган оилаларга бириктирилган ёрдамчи посбонлик, “хайрия марказлари”да ихтиёрий кўнгиллилар сафига қабул қилинди, қўма савдо марказлари, блок-постларда посбонликка, умумтаълим муассасалари ҳудудларини ободонлаштириш учун ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилди. Тезкор чоралар тўғрисида ишсиз, уйда ўтириб қолган кўплаб инсонлар жамоат ишларига банд бўлиб, даромад топди. Ҳеч бўлмаганда, вақтинча ишлаб, оиласини боқди.

2020 йилда Сардоба сув тошқини, Бухорода қучли шамол талафотлари даврида Жамоат ишлари жамғармаси томонидан зарурий чоралар қўрилгани ҳам Халқаро меҳнат ташкилоти, Жаҳон банки ва бошқа халқаро жамоатчилик томонидан ижобий баҳоланди.

Қўшимча техника воситалари ва янги иш ўринлари

Бугунги кунда жамғарма, асосан, бюджетдан ажратиладиган пуллар, шунингдек, ижара тўловлари, тижорат банкларида депозитга қўйилган маблағ ҳисобидан шаклланиб бормоқда. Келажакда инвестициялар, ҳомийлар, молия институтлари, грантларни жалб қилиш йўли орқали маблағ ҳажмини ошириш режалаштирилган.

Хўш, бу нима учун керак? Гап шундаки, молиявий базамиз қанча кўп бўлса,

одамларни иш билан таъминлаш имкониятимиз шунча ошиб бораверади. Боиси, жамғарма аҳолини вақтинчалик жамоат ишлари билан таъминлаш баробарида, тадбиркорликка қизиқувчи юрдошларимизнинг ўз бизнесини бошлаши, доимий даромад манбаини яратишига ҳам қўмаклашади. Шу мақсадда жамғарма маблағлари ҳисобидан дастлабки ишни бошлаш учун зарур бўладиган мини техника, инвентарлар харид қилиниб, ижарага бериш йўлга қўйилган. Бу орқали тадбиркорлик субъектлари томонидан янги иш ўринлари яратилиб, уларга ишсиз ва банд бўлмаган фуқаролар жалб қилин-япти. Аҳоли даромадлари ошди, кам таъминланган оилаларнинг камбағалликдан чиқарилишига эришилмоқда.



Биргина жорий йилнинг ўтган даври мобайнида жамғарманинг ижара пунктлари орқали ҳудудларга берилган инвентарлар ва мотокультиваторларни ҳисобига тадбиркорлар томонидан янги қувватлар ишга туширилиб, 1127 нафар ишсиз хотин-қиз ва ёшнинг доимий бандлиги таъминланди. Асосийси, 281 та оила камбағалликдан чиқарилди. Ўз вақтида тўланаётган ижара тўшумлари эса тегишли тармоқларга йўналтирилляпти.

Масалан, бугунга қадар Андижон вилояти Асак туманида қойлашган “Ихлос мега текс” МЧЖга 74 та, Шахрихон туманидаги маҳаллаларга 100 та тикув машинаси қулай ижара шартлари

юртатида. Раҳбари Наргиза Эшдавлатова ишни 2 донга тикув машинаси ва 4 чевар билан бошлаган. Тадбиркорга жамғарма томонидан ижара асосида 25 та тикув машинаси берилганидан сўнг корхонасида қўшимча 35 та янги иш ўрни яратди. Ҳозир кўрпа-тўшак, пардалар, келинлар либослари тикиб, ички бозорларга сотаяпти. Ҳамма гап унинг берилган имкониятдан тўғри фойдалана олганида. Шу қасбга укуви, қобилияти борлигида. Бунинг ортидан қанча аёлнинг рўзгорига даромад киритаяпти.

Бундай мисолларни жуда кўп келтириш мумкин. Ҳалол меҳнат қилиб, пул

топман, деган одам кичкина ускуна билан ҳам катта ишларни амалга ошира олади. Биз эса ана шундай инсонларни тўғри йўналтиришимиз, моддий қўллаб-қувватлашимиз керак, ҳолос.

Халқаро тажриба муҳим

Камбағалликка қарши курашиш — бутун дунёда глобал масала. Аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлашда натижага эришиш учун ташкилотлар, давлат идораларидан халқаро мутахассислар билан ҳамкорликда иш юритиш талаб этилади.

Жорий йилнинг 7-9 июнь кунлари Истанбулда бўлиб ўтган Евроосиё иқтисодий саммитида ҳам ана шу масалалар ўртага ташланиб, долзарб мавзулар қаторида камбағалликка қарши курашиш усуллари қўриб чиқилди.

Жамоат ишлари жамғармаси мазкур саммитга фахрий меҳмон сифатида тақлиф этилган эди. Аҳамиятлики, у ерда жамғарма ижро этувчи дирекцияси ҳамда Истанбулдаги Стратегик ва ижтимоий тадқиқотлар “Мармара групп” жамғармаси, Евроосиё иқтисодий саммити вазийлики кенгаши ўртасида 2022–2026 йилларда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги меморандум имзоланди.

Мазкур ҳужжатда соҳага оид йўналишларни амалиётга жорий қилиш ва фойдаланиш масалалари бўйича ўзаро манфаатли семинарлар, конференциялар, икки томонлама таширфлар ва бошқа илмий-амалий тадбирлар ташкил этиш белгиланган. Бу орқали икки томон мутахассис ва экспертлари ўртасида тажриба ва маълумот алмашини, соҳага оид замонвий иш усулларини ишлаб чиқишга қўмаклашиш, бандликни таъминлашдаги қўшма лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва амалга ошириш, соҳа мутахассисларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга келишиб олинди.

Қолаверса, Ўзбекистондаги ижтимоий сиёсат, аҳоли бандлигини таъминлашда қўрилаётган тезкор зарурий чораларни дунёга намоён қилиш, юртимиз тажрибасини бошқа давлатларда татбиқ қилиш кўзда тутилган.

Умуман, бу борада қардош халқ билан мақсадимиз бир, режаларимиз аниқ. Эндиги навбат уларни амалга ошириш, аҳолининг заиф қатламини камбағалликдан чиқариш ва ишсиз фуқароларни муносиб меҳнат билан таъминлашдан иборат.

Зеро, мамлакатимизда “Инсон қадри учун” тамойили ҳаммиса юқори ва ҳар бир фуқаро учун муносиб яшаш ҳамда ишлаш шароитини яратиб бериш асосий вазифамиздир. Бу борада қўрилаётган чоралар ҳеч ким эътибордан четда эмаслигини кўрсатиб келмоқда.



Қишлоқ хўжалиги соҳасида “агротадбиркор”, “ёш деҳқон”, “ёш фермер” каби атамалар пайдо бўлди. Бу тушунчалар мазкур фаолият йўналишларининг сўнгги йилларда оммалашаётган янги ва замонавий шаклидир. Аниқроғи, бугун анъанавий деҳқончилик ўрнини илғор технологияларга асосланган агротармоқ эгаллаб, унда ёшларнинг улуши сезиларли ортиб бормоқда.

Ўзбекистон шароитида агробизнесни ривожлантириш учун қўлай муҳит мавжуд. Муътадил иқлим, ҳосилдор ер майдонлари, қолаверса, ҳудудларга олиб қилинган маҳсулот етиштиришнинг янги усул ва технологиялари соҳада бизнес лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириш имконини берапти. Фақат иш бошлашдан олдин рақамли ресурслардан унумли фойдаланиш, замонавий деҳқончиликни тўғри ташкил этиш, юқори даромад олиш сири ва бошқаларни ўрганиш фойдадан холи эмас.

Ўзбекистон ёш фермерлари кенгаши бу борада турли ташкилотлар билан биргаликда қатор лойиҳаларни амалга



Давлатимиз раҳбарининг ўтган йил 30 июнь куни Ўзбекистон ёшлари ва талабалари форумига ташрифи давомида мамлакатимизда ёшларга эътибор ва ғамхўрлик асосий ўринга қўтарилгани, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун алоҳида давлат ташкилоти — Ёшлар ишлари агентлиги ташкил этилгани, қолаверса, бу йўналишда ўнлаб нодавлат ташкилотлар фаолият юритаётгани таъкидланган эди. Бу ишларнинг самараси уларок, охириги йилларда 30 ёшгача бўлган тадбиркорлар сони 5 баробар кўпайиб, 500 мингдан ошган.

Мана, орадан бир йил вақт ўтди ва уни қайсибир маънода сарҳисоб қилиш палласидамиз. Бу даврда ёшлар фаолиги, бандлигини таъминлаш ишлари янада қизиган тус олди, десак муболаға эмас. Қишлоқ хўжалигида ҳам ёшлар улуши ортиб борапти. Айниқса, замонавий аграр соҳанинг ривожланиб бориши билан шу йўналишда иш бошлаётган йигит-қизлар сафи янада кенгайди. Турли ташкилотлар орқали уларга қўллаб-имтиёз ва қўмаклар бериляпти.

Ўзбекистон ёш фермерлари кенгаши ана шундай илғор ёшларни қўллаб-қувватлаб келаётган йирик ташкилотлардан. Президентимиз ташаббуси билан 2017 йилда ташкил этилган Кенгаш ўтган давр мобайнида ёшларни қишлоқ хўжалигига кенг жалб қилиш ва соҳада имтиёзлар яратиш бўйича сезиларли натижаларга эришди.

Ўзбекистон ёш фермерлари кенгаши раиси Махмуд ИНОЯТОВ билан юртимиз қишлоқ хўжалиги соҳасида йигит-қизларнинг ўрни, бугунги замонавий фермер қиёфаси ҳамда агротадбиркорлар учун яратилаётган шароит ва имтиёзлар ҳақида суҳбатлашдик.

— Бугунги ёш фермер, биринчи навбатда, қўлчилик тасаввур қилганидек, доим далада лой кечиб юрадиган ер эгаси эмас, балки 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган агротадбиркор, мулкдор ҳамда фермер хўжалиги раҳбаридир, — дейди суҳбатдошимиз. — У ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириб, қайта ишлайди, сақлайди ва реализация қилади. Ўзбекистон ёш фермерлари кенгаши ўз номи билан замонавий қишлоқ хўжалигида фаолият олиб бораётган йигит-қизларни бирлаштирувчи ташкилотдир. Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, айни дам юртимизда 27 мингдан ортиқ ёш деҳқон ҳамда 11 мингдан зиёд фермер йигит-қиз фаолият юритмоқда. Улар мамлакат иқтисодидеги ривож, аҳоли бандлигини таъминлаш, ички бозорга арзон ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб беришга сезиларли ҳисса қўшяпти. Мақсадимиз — қишлоқ хўжалиги қизувчи ёшларнинг ўз ишини топиб олиши ёки янада кенгайтиришга қўмаклашиш.

Бугунга қадар Кенгаш ўзининг 45 дан ортиқ лойиҳалари билан юртимизнинг барча ҳудудига кириб борди. “Ўзбегим ёш фермери”, “Менинг далам — менин ғажим”, “Ёшлар агрофирмаси”, “Агроментор” сингари лойиҳалар юзлаб, минглаб йигит-қизларда қизиқиш уйғотди, бир мақсад остида бирлаштирди. “Фидойи ёшлар отряди” ёки “Хар бир ёшга — бир гектар” лойиҳалари доирасида 2018-2019 йилларда қарийб 18 минг, 2020 йилда 26 мингдан зиёд, ўтган йили эса 450 мингга яқин ёшлар иш билан таъминланди.

Қолаверса, соҳа ёш қатламнинг 1 минг 148 нафарига қишлоқ хўжалиги тармоғининг 12 та йўналиши бўйича кредит, 2 минг 36 нафарига ер майдон

ни, 580 нафарига агротехника олишга қўмаклашилди. Натижада улар деҳқончилик қилиб, доимий даромад манбаига эга бўлди. Соҳада тадбиркорлигини йўлга қўйган ёшлар эса бошқа тенгдошларини ҳам иш билан таъминляпти. Муҳими, йигит-қизлар қишлоқ хўжалиги соҳасига аввалгидек оғир меҳнат тури сифатида эмас, балки тадбиркорликнинг замонавий йўналиши сифатида қарамоқда.

Масалан, бухоролик асаларичи Исролмжон Аламов 17 ёшида асаларичилар оиласига шогирд тушган. Бир йилдан сўнг ўз фаолиятини 10 қути асаларидан бошлади. Ҳозир ёши 25 да ва асаларичиликни яхшигина даромад манбаига айлантирган. Асалари қутиси 52 тага етиб, унда 104 та асалари оиласини боқяпти. Битта қутидан 20-25 килогача табиий асал олади. Йил давомида 3 марта маҳсулот олса, 40-45 миллион сўм фойдаси бор. Яқин келажақда цех очиб, асалари қутилари тайёрламоқчи.

Умуман, бугун ёшлар қишлоқ хўжалигининг истиқболли кучига айланиб, уларга бўлган талаб кун сайин ортиб борапти. Гап шундаки, мазкур тармоқда келажақ авлодни тарбиялаш жаҳондаги муҳим муаммолардан биридир. Бу ривожланган мамлакатларда фермерларнинг ўртача ёши 60 дан юқорилаб бораётгани билан боғлиқ. Муаммо ўз-ўзидан озиқ-овқат хавфсизлигига таҳдид солмоқда. Шу боис, қўллаб-даватлар қишлоқ хўжалиги соҳасини автоматлаштиряпти. “Ақлли” агротехнологияларни яратиш ва уни кенг жорий этиш фаоллашган. Бу орқали кам ишчи кучи сарфлаб, кўп ҳосил ва даромад олиш мумкин. Маҳсулот қанча кўп ишлаб чиқарилса, нарх-наво шунча барқарор бўлади. Бунда эса деҳқон ва фермерлар муҳим ўрин тутати.



— Статистик маълумотларга кўра, мамлакатимиз аҳолисининг деярли ярми қишлоқларда истиқомат қилади. Уларнинг асосий қисmini 30 ёшгача бўлган йигит-қизлар ташкил этади. Бу қишлоқ жойларда янада кенг имкониятлар яратиш, ёшлар орасида тадбиркорлик қўنىқмаларини шакллантириш зарурлигини кўрсатади, шундай эмасми?

— Албатта, асосий мақсадимиз шунга йўналтирилган. Барча давлатларда ҳам аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашда қишлоқ ҳудуди маҳсулот етиштиришда муҳим ўрин тутати. Аммо уларга замонавий технология ва ёндашувларни олиб кирмасдан туриб, юқори натижага эришиш қийин. Шу сабабли агротадбиркорликни ривожлантиришга уруғ бериш зарур.

ошириб келяпти. 27 минг 192 деҳқон хўжалиги ҳамда 3 миллион 227 мингдан ортиқ томорқа ер эгалари билан бевожита ишлаш механизми йўлга қўйилган. Улар лойиҳалар доирасида ёшларга аграр соҳада ҳам назарий, ҳам амалий қўмак беради.

Кенгашнинг “Агромарафон” лойиҳаси ҳам ана шу мақсадларга йўналтирилгани ҳолда, ўтган йили юртимизда илк бор ўтказилди. Ёшлар ишлари агентлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти билан ҳамкорликда ташкил этилган “Агромарафон” мотивацион учрашувлари кўплаб йигит-қизларни жалб қила



олди. Сентябрь ойида Тошкент вилоятида старт олган марафон маёғи то йил сўнгига қадар республикамиз бўйлаб баланд кўтарилди. Кўп йиллик тажрибага эга соҳа мутахассисларининг ёшлар билан учрашувлари, билим ва кўникмалар бўйича фикр алмашишлар, маҳорат сабоқлари лойиҳанинг ёрқин саҳифаларига муҳрланди.

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, сўнгги русумдаги агротехника ва замонавий агроусуналар иштирокчи ёшларнинг эътиборини тортди. Ана шундай маҳсулотларни етиштириш бўйича мутахассислардан маслаҳатлар ҳам олди.

Бир сўз билан айтганда, ушбу марафон аграр соҳада фаолият юритаётган ёки энди иш бошлаш истагидидаги йигит-қизлар, юқори натижаларга эришган агротадбиркорлар, ёш деҳқон ва фермерлар учун қўлай платформа, тажриба алмашиш майдончаси бўлиб хизмат қилди. Лойиҳа доирасида республика бўйлаб 8 мингдан ортиқ ёшлар учун мотивацион учрашувлар ташкил этдик. Уларда соҳа мутахассислари, агротад



биркорлар томонидан ёшларга энг замонавий воситалар ёрдамида қишлоқ хўжалигига доир мавзуларда билимлар берилди. Қувонарлиси, ҳудудларда йигит-қизлар ушбу марафонга юқори қизиқиш билдириб, фаол қатнашди. Лойиҳа якунланганига қарамаздан, ҳозиргача “Агромарафон” йигит-қизлар орасида кенг муҳокама қилинмоқда. Унинг давомини кутаётганлар ҳам кўп. Албатта, бу йил лойиҳани давом эттиришни режалаштирганмиз.

— Кенгашнинг халқаро жамғарма ва ташкилотлар билан амалга ошираётган лойиҳалари ҳам бор. Менимча, улардан мақсад ёшларга фақат молиявий маблағ ажратиш бўлмаса керак. Умуман, йигит-қизлар халқаро лойиҳаларда хориж тажрибасини қандай замонавий усуллар ёрдамида ўрганипти?

— Гувоҳи бўлаётганимиздек, дунё тажрибасида қишлоқ хўжалиги анча ривожланиб борапти. Маҳсулот етиштиришдан то ишлаб чиқаришгача бўлган жараёнларни инновацион технологиялар асосида амалга ошираётган хорижликлар жаҳон бозорини экологик тоза маҳсулот билан тўлдириш ҳаракатида. Экологик тоза, яъни органик маҳсулот эса қўшимча минерал ўғитларсиз ва бошқа техноген таъсирларсиз, замонавий технологиялар асосида етиштирилади ёки табиий тоза хомашёлардан олинади.

Бугунги кунда жаҳоннинг 179 мамлакатида 2 миллиондан зиёд органик маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолият олиб борапти. Натижада 2019 йилда қишлоқ хўжалиги бўйича халқаро бозорлардаги савдо айланмаси 96,7 миллиард еврони ташкил этган. 2022 йилда бу кўрсаткич 212 миллиард долларга етиши тахмин қилинмоқда.

Бу борада мамлакатимиз иштироки ва ҳиссасини оширишга қаратилган ҳаракатлар бошланган. Турли лойиҳа, грантлар орқали фермер ва деҳқонларимизга хориж тажрибаси ўргатилиб, уни амалиётга жорий этишда ёрдам қўсатиляпти. Ўзбекистон

ёш фермерлари кенгашининг “ТИКА”, “JOICA”, “GIZ”, “OSCE” каби халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқалари бор. Улар томонидан ажратилаётган грантлар ҳисобига бугунга қадар мингга яқин ёш фермер Туркия, Япония, Латвия, Чехия, Германия, Нидерландия, Хитой, Россия, Корея сингари давлатларда тажриба ошириб қайтди.

Германиянинг Халқаро ҳамкорлик бўйича жамғарма кассалари фонди билан ҳамкорликдаги лойиҳа эса мамлакатимизда амалга оширилаётган муваффақиятли ҳаракатлардан биридир. “Ўзбекистонда етарли молиявий хизматларни тақдиф этиш орқали аграр секторни мустаҳкамлаш ва қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш” лойиҳаси 2019 йил 7 майда имзоланган. Лойиҳа ҳамқори бўлган Германиянинг нуфузли ташкилоти ҳозирда дунёнинг 54 давлатида фаолиятини амалга ошириб келяпти. Ўзига хос банк тизимига эга 370 дан ортиқ шпарккассалар бирлашиб, шундай бир фондани вужудга келтирдик, бу фонд орқали нафақат дунё мамлакатлари аҳолиси ўз молиявий билимларини оширади, балки зарур ўринларда кичик бизнесни ривожлантириш учун банклар орқали кредитлар олиш имконини ҳам яратди.

Ўтган уч йил давомида ташкилот юртимизнинг бир қанча банклари билан келишув асосида ёшлар учун соҳага оид билимлар бериш баробарида, янги стартапларга имтиёзли кредитлар ажратиб келмоқда. Хусусан, 40 га яқин германиялик экспертлар иштирокчи Тошкент, Жиззах ва Самарқанд вилоятларида ёшларнинг дастлабки молиявий саводхонлигини оширишга қаратилган 100 дан ортиқ семинар ташкил этилиб, уларга 3 мингдан зиёд йигит-қиз жалб этилди.

Ўтган йилдан бошлаб карантин шароитидан келиб чиққан ҳолда, янги тажриба йўлга қўйилди. “Сиз семинарларга эмас, семинарлар сизга боради” шiori остида қишлоқ жойларда ўтказилаётган дала семинарларида ёшлар юқори уюшқоқлик билан иштирок этипти. Ҳудудларга маҳаллий тренерлар жамоаси барча ўқув жиҳозлари билан таъминланган “ўқув транспорт”ида боради.

Бу лойиҳанинг асосий мақсади қишлоқ хўжалиги секторини қўллаб-қувватлаш ва Ўзбекистоннинг қишлоқ ҳудудларини ривожлантиришга қўмаклашишга қаратилган. Булар қаторида қўлай молиявий имкониятлар яратиш ҳам бор. Келинг, бу борада германиялик эксперт Мацис Банглернинг фикрларини келтириб ўтаман. У шундай дейди: “Лойиҳада асосий эътибор қишлоқ жойларда яшаётган ва қишлоқ хўжалиги секторида ишлаётган ёшларга қаратилган. Биз уларни махсус дастурлар орқали қадам-бақадам режа асосида ўқитяпмиз. Семинарларда муваффақиятли қатнашган иштирокчилар қишлоқ хўжалиги соҳасига сармоя киритишлари учун кредит олишлари мумкин. Улар шу тарзда ривожланиши керак. Очиги, ана шундай ёшларнинг кўпи эришаётган натижаларини кўриб, қувонапмиз”.

Лойиҳа ёшларни қишлоқ хўжалигига қизиқтириш ва бу борадаги билимларини ошириш билан чекланмайди. Асосий мақсад жамиятнинг ёш қатлами бандлигини таъминлашга қаратилган. Бунинг учун лойиҳа доирасида “айланма кредит фонд” дастури ташкил этилган бўлиб, стартаплар ва дастлабки инвестицияларни қўллаб-қувватлаш учун 36 ойгача бўлган муддатга 14 фоизли ставкада кредитлар ажратилмоқда. Имтиёзли кредитга эга бўлган ёшларнинг қўлчилиги бугунги кунда ўз ишини йўлга қўйиб, қўшимча иш ўрни яратмоқда.

Жиззахлик ёш фермер Захро Омонова болалигидан оиласи билан иссиқхонада маҳсулот етиштиргани боис, қишлоқ хўжалиги соҳасига қизиқиши юқори бўлган. Лойиҳа ҳақида эшитган, тенгдошлари қатори 2 кунлик дала семинарида қатнашди. Семинар сўнгига тавсиянома асосида 30 миллион сўмлик имтиёзли кредитга эга бўлди. Бу маблағга у хонадонидagi иссиқхонани кенгайтириб, замонавий технологиялар билан жиҳозлади, 3 нафар ёшни иш билан таъминлади.

Бундай ёшлар барча ҳудудларда бор. Шу боис, германиялик ҳамкорлар кўмагида Тошкент, Жиззах ва Самарқанд вилоятларида “Ёш фермерлар инновацион маркази” ташкил этилган. У ерда аграр соҳада фаолият юритаётган ёшлар замонавий технологиялар асосида янги билимларга эга бўляпти. Дарсларни маҳаллий ва хорижлик мутахассислар олиб боради. Бу каби марказлар жорий йилнинг охирига қадар Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа ҳудудларда ҳам очилиши кўзда тутилган.

Масаланинг яна бир томони бор. Аграр бизнесда назарий билимлар қанчалик кўп бўлмасин, уни амалиётда қўлай билиш тажрибаси етарли бўлмаса, қўтилган натижага эришиш қийин. Германиянинг “German Sparkassensiftung for international Cooperation” ташкилоти ўз лойиҳалари орқали бўлажақ аграр тадбиркорларни амалиётга тайёрлаб келмоқда. Пулни жамғаришдан тортиб, ўзининг бизнес режасини тузишгача, банк билан кредит олиш учун суҳбат олиб бориш, ундан кейин эса ўз тадбиркорлигини бошлашга ундовчи семинарлар ёшларни ҳаётий тажриба тўплаш, машқ орқали бизнесда қўтилмаган хаттарлардан огоҳ бўлишга ўргатади.

Мисол учун, “Фермер хўжалик бизнес-ўйини”ни олайлик. Бу 3 ёки 4 кун мобайнида ўтказиладиган симулятив характердаги семинар-модул бўлиб, унда иштирокчилар фермер хўжаликни бошқаради. Семинар давомида иштирокчи фермер ролини ўз зиммасига олади. У маҳсулот етиштириш, ишлаб чиқариш жараёнини бошқаради ва сармоя киритади. Табиийки, ушбу босқичларда қўтилмаган вазиятлар ҳам юзага келади. Иштирокчилар бошқа жамоалар билан рақобатлашади. Ўйиннинг ўз қарточкалари ва танга пуллари бўлиб, реал воқекача мос равишда, банк-мижоз, сотувчи ва харидор муносабатлари инобатга олинади. Яна бир муҳим жиҳати, ҳаётда содир бўладиган ўғирлик, фирибгарлик каби ҳолатларга тадбиркор ёки фермер сифатида қандай муносабат билдириш кераклиги, уларнинг олдини олиш учун нималар қилиш зарурлиги ҳам муҳокама қилинади. Хуллас, ўйиннинг уч турида турли қийинчиликларга дуч келинади ва ажойиб муваффақиятларга эришилади. Иштирокчилар шу тариқа янги билим ва тажриба тўплайди.

Ана шундай замонавий лойиҳаларда қатнашиб, соҳада зарур билимларни тўпалаётган ёшлар бугун истиқболли порлоқ фермер, тадбиркорга айланаётгани кувонарли. Уларнинг ишга ёндашуви, маҳсулот етиштиришдаги усул ва тажрибалари ҳам янгила. Инновацион технологиялардан фойдаланиш амалиёти жаҳон стандартларига мос. Бир сўз билан айтганда, бугун мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасида “замонавий авлод” етишмоқда. Бу авлод аллақачон юртимиз иқтисодий тараққиёти, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга, дастурхонларимизни сифатли ва арзон маҳсулотлар билан тўлдиришга ҳисса қўшяпти.

“Янги Ўзбекистон” мухбири Ирода ТОШМАТОВА суҳбатлашди.



ҚОРАҚАЛПОҚ АДАБИЁТИ КУНЛАРИ

Янги ланишларга юксалаётган ижод

Мамлакатимизнинг қатор ҳудудларида қўтаринки руҳда таъкил этилаётган
Қорақалпоқ адабиёти кунлари ижод аҳлига илҳом, одамлар қалбига қувонч улашяпти

ИНСОНИАТНИНГ КЎЗ ЎНГИДА ЮЗ БЕРГАН МЎЪЖИЗАЛАР



Давлатимиз раҳбари шу йил 23-24 февраль кунлари Қорақалпоғистон Республикасида таърифи чоғида буюк қорақалпоқ халқининг беназир истеъодлари, бетақор ва мафтункор адабиёти ҳақида ўзининг самимий фикрларини билдириб, мамлакатимиз бўйлаб Қорақалпоқ адабиёти кунларини ўтказиш ташаббусини илгари сурган эди. Бу бежиз эмас, албатта. Одамлари содда, самимий ва турмуши кундан-кун яшнаб бораётган бу элнинг адабиёти ҳам, табиийки, кўнгилга яқин.

Худудда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари туфайли 4-5 йил аввал бу манзилларга борган инсон бугун, ҳеч муболагасиз, уни таний олмай

қолади. Барча соҳаларда туб ўзгаришлар, янги ланишлар. Айниқса, Нукус шаҳри, Мўйноқнинг қиёфаси буткул ўзгаргани инсониятнинг кўз ўнгида юз берган мўъжизалар бўлди, дейиш мумкин.

Қисқа қилиб айтганда, қорақалпоқ диёрининг ўзи ҳам бағрида рўй бераётган бугунги оламшумул воқеалардан ҳайратга тушгандай. Мана шундай юртда энди Бердақ, Ибройим Юсупов, Тўлепберген Қайпбергенов каби шоир-ёзувчиларнинг муносиб издошлари эмин-эркин, бахтдан масрур ҳолда ижод қилади. Улар бор экан, қорақалпоқнинг эртанга кунлари шеър газааларда, бетақор асарларда яшайди, авлодлар қалбидан жой олади.

ТОШКЕНТ МАРКАЗИДА ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ШЕЪРЛАР ЖАРАНГ СОЧДИ

Кеча эрта тонгдан Тошкент темир йўл вокзалида Қорақалпоғистондан ташриф буюрган ижодкорлар тантанали кутиб олинди. Мухташам Адиблар хиббонидидаги Алишер Навоий ва Бердақ ҳайкаллари пойига гул қўйиш маросими, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси тарихи музейи билан танишувдан бошланган тадбирлардан сўнг меҳмонлару мезбонлар Қорақалпоқ адабиёти кунларининг очилиш маросимида жам бўлди.

Ибройим Юсупов ҳайкали пойида “Кўнгил кўнгилдан сув ичар” номли шеъронлик давраси, “Амударё”, “Шарқ юлдузи” ва “Ёшлик” журналлари адабий жамоаси ва муаллифлари иштирокида ўзаро адабий ҳамкорлик масалаларига бағишлаб ташкил этилган давра суҳбати иштирокчиларни қалбан бир-бирига янада яқинлаштириш, ижодкорларда янги-янги гоёлар уйғонишига хизмат қилди.

ШУ ЭЛ ФАРЗАНДИ ЭКАНИМДАН ҒУРУРЛАНДИМ



Кенгес КАРИМОВ, Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси:

— Президентимизнинг республика-мизга таърифи давомиде берган топшириғи асосида Қорақалпоқ маданияти кунлари тадбирини, аввало, Хоразм вилоятлари кўтаринки руҳда ташкил этдик. Пойтахтга таърифимиз Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси тарихи музейи билан танишишдан бошланди.

Шу ўринда бир гапни айтиб ўтишим керак. Авваллари Тошкентдаги адабиёт музейларига ҳавасимиз келарди, қани энди, бизда ҳам меҳмонларни бемалол олиб бориб, мактана оладиган мухташам адабиёт музейимиз бўлса, дея орзу қилардик. Не тонгим, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан яқинда Нукус шаҳрида Бердақ номидаги Қорақалпоқ адабиёти тарихи давлат музейи ўз эшикларини очди. Халқимизнинг ёзма маданияти адабий тарихини келгуси авлодларга ҳам танитувчи мақсур маскан халқимизнинг қадим даврлардаги қорақалпоқ адабиёти тарихидан бошлаб мустакиллик даврига қадар давом этиб келаётган адабий ҳаёти, мумтоз адабиёти тарихи, унинг ижодкорлари акс этирилган экспонатлар билан бойитилган.

Адиблар хиббониде шоир Бердақ ҳайкали пойига биргаликда гул қўйганимизда икки халқ ўртасидаги азалий оғанилик туйғуларни қалбимизда янада жўш уриб, қорақалпоқ эли фарзанди эканимдан яна бир бор ғурурландим.

АДАБИЁТ ЯШАСА — МИЛЛАТ ЯШАР

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ, ёзувчи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими:

— Дарҳақиқат, адабиёт элларни, дилларни эзгу мақсадлар сари бирлаштирадиган таъсирчан кучга эга. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан миллий адабиётимиз обрўсини ошириш, ёзувчи ва шоирлар, ижод аҳлини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар ҳақида ҳар қанча гапирсак оз.

Президентимизнинг бундан икки йил аввал Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида барпо этилган бетақор Адиблар хиббонига таърифи чоғида айтган гаплари ҳамон қўлоқларим остида янграйди: “Адабиёт халқнинг юраги, элнинг маънавиятини кўрсатади. Бугунги мураккаб замонда одамлар қалбига йўл топиш, уларни эзгу мақсадларга илҳомлантиришда адабиётнинг таъсирчан кучидан фойдаланиш керак. Аждодларимиз меросини урганиш, буюк маданиятимизга муносиб буюк адабиёт яратиш учун ҳамма шароитларни яратамиз”.

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан Адиблар хиббонини адабиёт, маърифат ва маданият масканига айлантириш ва ҳар бир адиб учун ўрнатилган ҳайкал муайян бир олий ўқув юртига бириктирилиб, бу ерда очик дарслар, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиш вазифалари белгиланди.

Айниқса, биз, қорақалпоғистонликлар учун қувонарлиси, ушбу вазифалар ижроси доирасида қорақалпоқ элининг асл фарзандлари Бердақ, Ибройим Юсупов, Тўлепберген Қайпбергенов шахсига ҳам юксак эътибор кўрсатилиб, ёшлар



уларнинг ҳаёти ва ижодини урганишга сафарбар этилди.

Масалан, Тошкент давлат аграр университети ва унинг Нукус, Термиз, Андижон филиалларида ўзбек ва қорақалпоқ адабиёти ривожига муносиб ҳисса қўшган адиб, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Тўлепберген Қайпбергенов адабий мероси зўр қизиқиш билан урганиляпти, тарғиб қилиняпти. Зеро, бир пайтлар Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов у ҳақида гапира туриб: “Ўзининг узок тарихига эга қадимий қорақалпоқ халқининг кенг пешонасига бугунги кунда тонг юлдузидек ярашиб турган ёзувчи Тўлепберген Қайпбергеновдир”, дея лўф этган эди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда қорақалпоқ адабиёти кенг тарғиб этилмоқда. Масалан, яқинда 50 нафар қорақалпоқ ижодкорининг шеърларини таржима қилиб, “Навоийдан савод очдим” номли китобга жо қилдим. Ўстоз Ибройим Юсуповнинг 2 та китобини чоп этиш ишларини охирига етказдик. Ҳозир туркий халқлар адабиёти 100 йилдигининг 79-йилди устида ишляяпман. Бунақаси ҳеч қачон бўлган эмас.

ИККИ ТИЛДА ЁЗИЛГАН БИР КИТОБ

Назира МАТЁҚУБОВА, “Қорақалпоғистон тонги” газетаси бош муҳаррири:



— Президентимиз доим Қорақалпоғистонни ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келади. Худудни ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини оширишга оид қўллаб қармор, қарор ва дастурлар қабул қилинди. Шу билан бирга, адабиёт ва маданиятга ҳам жуда катта эътибор кўрсатилляпти.

Алоҳида қайд этиш керакки, азалдан ўзбек ва қорақалпоқ шоир-ёзувчилари чамбарчас ҳамкорликда ижод қилиб

келган, бир-бирларининг асарлари таржимаси билан шуғулланган. Мен ҳам Қорақалпоқ адабиёти кунлари тадбирлари арафасида “Қорақалпоқ халқ эртаклари” таржимасини яқунладим. Англаганим, икки халқ адабиёти мазмунан икки тилда ёзилган бир китоб, мақсадларимиз, илгари сураётган гоёларимиз муштарак.

Юртимиздаги улкан ўзгаришларни қўриб, қалбим завқланади, илҳом оғушига чўмаман. Бугун айтиш жоиз, катта тарихий ўзгаришлар — конституциявий ислохотлар жараёнидаимиз. “Инсон қадри учун” гоёсини ҳамда ҳозирги ислохотларимизнинг бош тамойили бўлган “Инсон — жамяят — давлат” деган ёндашувни Конституцияимизнинг мазмун-моҳиятига чуқур синдириб, амалий ҳаётимизда бош қадриятга айлантиришимиз зарурлигини таъкидлаганда, Президентимиз нақадар ҳақ бўлганини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда.

Мамлакатимиз халқини янада фаровон кунлар кутиб турибди. Бу йўлда биз, ижодкорлар олдинги сафларда фидойилик кўрсатиб, ўқувчиларимизга масаланинг мазмун-моҳиятини очиб беришимиз керак.

“ИБРОЙИМ ЮСУПОВ” РОМАНИ ЎЗБЕК ТИЛИДА

Тадбир давомиде Шарап Уснатдиновнинг Қорақалпоғистон халқ шоири Рустам Мусурмон таржима қилган “Ибройим Юсупов” романининг ўзбек тилидаги нашри тақдироти ҳам ўтказилди. Ўз вақтида қорақалпоқ шеърини ва насри намуналари Миртемир, Абдулла Орипов, Шўҳрат, Азим Суюн, Ҳалима Худойбердиева, Маъруф Жалил сингари ижодкорлар таржимасида ўзбек ўқувчисига етказилган. Қорақалпоқ адабиёти бугунги кун ўқувчисига Отаули, Музаффар Аҳмад, Рустам Мусурмон, Орикул Эргаш, Янгибой Қўчқоров, Ғафур Шермухаммад каби таржимонлар меҳнати самараси ўлароқ тақдим этилмоқда.

— Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси, журналист, сенатор Шарап Уснатдиновнинг китоби тақдироти мени буткул ҳаяжонга солди, — дейди адибнинг фарзанди Жумагул Уснатдинова. — Бу роман нафақат оиламиз, балки бутун қорақалпоқ ва ўзбек халқи учун ҳам бебаҳо асар. Китоб устида ишлаган барча ёзувчи, шоир, таржимонларга миннатдорлик билдирамиз. Отам асарининг ўзбек тилида чоп этилганини кўрмасдан дунёдан ўтиб кетгани армон бўлиб қолди. Ўйлаймизки, “Ибройим Юсупов” романи ҳам “Қорақалпоқ дурдоналари” қаторидан ўрин олади.

Китоб устида ишлаган барча ёзувчи, шоир, таржимонларга миннатдорлик билдирамиз. Отам асарининг ўзбек тилида чоп этилганини кўрмасдан дунёдан ўтиб кетгани армон бўлиб қолди. Ўйлаймизки, “Ибройим Юсупов” романи ҳам “Қорақалпоқ дурдоналари” қаторидан ўрин олади.



ҚОРАҚАЛПОҚ АДАБИЁТИ “ТУРКИЙ АДАБИЁТ ХАЗИНАСИ”НИ ТЎЛДИРАДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 августдаги фармоишига кўра, айни пайтда “Қорақалпоқ адабиёти дурдоналари” 16 жилдли асарлар мажмуаси нашр этилмоқда. Мажмуага “Маспошо”, “Шахриёр”, “Қирқ киз” каби қорақалпоқ халқ эпослари, Жиян жиров каби халқ оқинлари, шунингдек, қорақалпоқ адабиётининг мумтоз вакиллари Бердақ, Ажиниёз, Кунхўжа, XX аср адабиёти етакчилари Ибройим Юсупов, Тўлепберген Қайпбергенов, Аҳмет Ақназаров ва бошқаларнинг асарлари киритилган. “Туркий адабиёт хазинасидан” 100 жилдли асарлар мажмуасида ҳам қорақалпоқ адабиёти учун муносиб ўрин ажратилган.



Тадбир бугун ҳам муҳим адабий жараёнларга бой бўлади. Даставвал, ижодкорлар гуруҳларга бўлинган ҳолда, Тошкент вилоятининг Чиноз, Бўка туманларида бўлади. Адибларнинг бир гуруҳи Чирчиқ шаҳрига йўл олади. У ерда Шарап Уснатдинов ижодига бағишланган адабий-маърифий тадбир режалаштирилган.

Нодир МАҲМУДОВ, Муножат МЎМИНОВА, “Янги Ўзбекистон” мухбирлари

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таъририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таъририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таъририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 2113
85744 нусхадда босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Баҳор Хидирова
Муасхих: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎЗА якуни — 23:30 Топширилди — 00:35

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ёллонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz